

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Тошкент давлат шарқшунослик институти**

**«Ҳиндий тилининг тарихи»**

танлов фанидан

**Маъруза матни**

**Магистратура 1-курс талабалари учун**

**Хажми: 120с.**

**Маъруза-40с.**

**Амалий-40с.**

**Мустақил таълим-40с.**

## Мундарижа

- Биринчи маъруза** **1-3**  
Фан мазмуни мақсад ва вазифалари.  
Даврларга тақсимланиш
- Иккинчи маъруза** **4-15**  
Жаҳон ва минтақа қуламида х.т.мавқеи  
тарихий ривожланиш даврлари.  
Қадимги ҳинд-орий фонетик,морфологик  
ва синтактик жараёнлар
- Учинчи маъруза** **16-31**  
Урта ҳинд-орий тиллар.  
а) Бошланғич босқич  
б) Иккинчи босқич  
в) У.Х.О.Т,фонологик ва морфологик  
хусусиятлари.
- Туртинчи маъруза** **32-61**  
1) Апабхаранша - уҳотларнинг учинчи  
босқич сифатида  
2) Оралик даврдаги тиллар ва  
яхотларнинг юзага келиши.
- Бешинчи маъруза** **62-70**  
ҳиндий тили фонологияси тарихи
- Олтинчи маъруза** **71-79**  
ҳиндий тили морфологияси- қушимчалар  
тизими тарихи
- Еттинчи маъруза** **80-89**  
От, сифат ва олмош шаклларининг тарихи
- Сакқизинчи ва тўққизинчи маъруза** **90-100**  
8) Феъл, равиш ва қумакчи суз турқум-  
лари тарихи.

### **Таянч иборалар.**

Этник	маҳаллий шева
геополитик	пракритсимон
минтақавий	доҳа
интролингвистик	шаврасений
социолингвистик	апабҳаранша
тарихий узгаришлар	маҳаллий тил
давлат тили	Мадҳйя деша
расмий тил	ҳиндий улкаси

### **Биринчи маъруза.**

1. Фан мақсади ва вазифалари.
2. Фаннинг асосий мазмуни.
3. ҳиндий тили даврланиши муаммолари.
4. Фаннинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тил тушунчасидан келиб чиқадиган булсак, бу ҳар бир жамият ичида юритиладиган нутқнинг бир шакли булиб, бу ходиса узига хос ички муҳит сифатида ташқи муҳит вазифасини утовчи этник, ижтимоий, геополитик ва минтақавий (регионал) факторлардан ташкил топган мажмуа (комплекс) таъсирида ривожланади. Бу мажмуа ушбу тилнинг ташқи муҳитини маданий жиҳатлардан қамраб оладиган ходисадир. Шунинг учун тилнинг ички ва ташқи муҳитларини назарда тутган ҳолда унинг хусусий тарихини ички (интролингвистик) ва ташқи (социолингвистик) нуқтаи назаридан урганилади.

Бошқа купчилик адабий тиллар сингари ҳиндий тилининг адабий куриниши ҳанузгача бир минг йиллик тарихий йулга эга булиб, ушбу жараёни ёритувчи адабиётларда эълон қилинган турли ёндашувларга қарасак, бу ерда талайгина мураккаб ва чигал муаммолар кузатилади. Айнан унинг келиб чиқиши ва дастлабки шаклланишига тегишли маълумотларда нақадар узаро зиддият ва тафовутлар билан характерланиши кўзда тутилади. Қолаверса, ўрта асрларда ва ҳозирги даврдаги ҳиндий тили ривожланиши билан боғланган қарашлар ҳам жуда салмоқли даражада таҳлил талаб ва аниқ бир ёндашувга муҳтож кўринади.

Шунинг учун ушбу фаннинг энг долзарб мақсади бир муайян нуқтаи назарга асосланиб ушбу жараёни қисқача тарзда ҳам интролингвистик, ҳам социолингвистик жиҳатларидан таснифлашдан иборатдир.

Бундан ташқари муҳим вазифа даражасида албатта ушбу фан замиридаги асосий манбалар ва адабий парчалар билан ўқувчиларни таништириб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бошқа вазифалар қаторида ҳиндий тилининг тарихига таянч бўладиган олдинги тил даврлари билан ҳам етарли даражада талбаларни хабардор қилиш ҳам зарур туюлади, жумладан, қадимги ва ўрта ҳинд - орий даврлардаги тил ходисаларининг тараққиётига ҳам қисқача назар ташлаш мумкин қадар муҳимдир.

Тилнинг фонетик ва морфологик тизимларидаги умумий тарихий ўзгаришларни ўрганиш билан бирга синтактик ва услубий ҳодисаларга ҳам иложи борича эътибор бериш керакдир.

Мазкур фан моҳияти масаласига келганда, бу нафақат ҳинд ва умуман Жанубий Осиё минтақасидаги турли тилларнинг ривожланишига изоҳ берувчи ва тиллар аъро ва шевалараро муаммоларни ечиш учун маълумот етказувчи аҳамиятга эга бўлиб қолмай, филологиянинг турли таркибий қисмлари бўлиш томонларни, мамлакат тарихини ва халқларга хос ижтимоий ва маданий ривожланиш босқичларини ёритиш учун ниҳоятда муҳимдир.

ҳиндий тили ва унинг тарихи ҳақида умумий тушунча берганда, даставвал буерда ҳиндий тили деб аталиш илмий томондан ўрганилувчи илмий ходиса бўлганлигини қайд қилиб ўтиш зарур. ҳозирда бу икки маъноли тил кўриниши ёки бирлиги бўлиб гавдаланади. Биринчидан, ҳиндистон Республикасининг давлат ва расмий тили мавқеасига эга бўлган тил ва иккинчидан, Шимолий ва Марказий ҳиндистоннинг баъзи ўлкалари, жумладан Уттар-Прадеш, Мадья-Прадеш, Ражастхан, Бихар, Деҳли иттифоқ территорияси, Харияна, Уттар Анчал ва Чхаттисгарх каби ўлкалари ёки штатларидаги кўпчилик аҳолининг регионал ёки минтақавий тили. Тилнинг социолингвистик таснифидан келиб чиққан ҳолда ҳиндий тили ўзига хос адабий шаклда ҳам, ва маҳаллий, ўлкавий кўринишларга эга бўлган оғзаки шевалар шаклида ҳам кузатилади. Булар юқорида тилга олинган ўлкалар доираларида айрим-айрим ҳолда юритилади. Худди ана шу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тарихий жиҳатдан ҳам ҳиндий тили деб ушбу тилнинг маҳаллий шеваларига хос ёзма оғзаки адабиётлар шаклларида ривожланиш жараёнининг мажмуий туркумда таърифланиши буерда илмий-методик асос сифатида тан олинади. Албатта ҳозирда баъзи адабий идора ва муассасалар томонидан ушбу шеваларнинг айримларини жумладан, ражастханий, майтхимий ва чхаттисгархийларни мустақил адабий деб эълон қилинишига қарамасдан тарихий нуқтаи назардан ушбу бирликлар ўтмишда умумий ҳиндий тили тарихий оқимида тааллуқли деб саналади.

ҳинд олимларнинг фикрларига кўра, ҳиндий тилининг келиб чиқиш ва ривожланиши хусусидаги жорий тушунчаларни тилга олар эканмиз, унинг

(шу тилнинг) пайдо бўлиши масаласи пракритсимон тиллар ва апабхранша тилларидаги бадиий асарлар билан боғланган ҳолда кўрилаяпти. Шунинг учун «Апабхранша» сўзининг негизи ва жайнизим адибларининг шу тиллардаги ижодига ҳиндий тилининг алоқадорлигини аниқлаш йўлида ҳиндий тили ва адабиёти тарихига оид китобларда берилган далил ва исботларни кўриб чиқиб муҳокама қилиш зарур. Асосан пракритларнинг охириги апабхаранша кўринишида ҳиндий тилининг юзага келиши қабул қилинади. У пайтда апабхаранша бирнеча кўринишда намоён бўлиб улар орасида 7-8 асарлардан тартиб шеърий асарлар яратилган эди. Адабий жиҳатдан кузатилаётган шеърий асарлар асосан «байт» ёки доҳа шаклида мавжуд бўлиб мазмуни жиҳатидан буларда диний мавзулар, юриш-туриш, насиҳат ва бошқалар етакчи ўрин олган. Сарой шоирлари ва бахшилар юриш-туриш, ишқ-мухаббат, баҳодирлик, диний русумлар қаҳрамонликлардан илҳомланиб улар ўз асарларида баён қилиб юрардилар. Бундай анъаналар ривожланиб борибШЩаврасений апабхранша ёки пракритсимон ҳиндий тилида кўп йиллар давом этади. Қадимги апабхранша тили ва маҳаллий оғзаки оғзаки сўзлашув тилларини юритиш узлуксиз ўсиб борди. Бу тилларни Видьянати номли шоир маҳаллий тил desI .aza деб аталган, аммо бундай фикрни тасдиқлаш осон ишга ўхшамайди, чунки «ҳиндий» сўзини бу тилга тадбиқ этилиши қачон ва қаерда бошлангани ноаниқдир. Албатта шуниси аёнки, бошида «ҳиндий» сўзини чет эллик мусулмонлар тилга олишган эди. Бундан мақсад - «ҳиндистон тиллари» деб аташдан иборат эди.

Шундай қилиб ҳозирги даврга келганда «ҳиндий» атамаси билан турли даврларга оид олимлар юқорида тилга зикр қилинган ҳиндистон ўлкаларида тарихий жараёнда адабий хизматларни ўтаган тил ёки тилларнинг барисини номлаб келадилар. Демак, шу атаманинг маънавий доираси ниҳоятда кенг. Гарчи ҳозирги турли ҳиндий тилига мансуб турли шевалар тарқалган ўлкаларни бирлаштирувчи ном топилмаган бўлсада, уларнинг аксарий худудларини «мадхьядешя»ни назарда тутиб буларни ҳозирги ҳиндий ўлкаси деб номлаш мақсадли туюлади.

Саволлар:

- 1) ҳиндий тили тарихини ўрганиш қандай аҳамиятга эга?
- 2) Бу ерда қандай факторлар (омиллар) назарда тутилади?
- 3) Интролингвистика тушунчаси нимани билдиради?
- 4) Социоллингвистик қараш нимадан иборат?
- 5) Регинал тили сифатида ҳиндий тили қайси худудларда юритилади?
- 6) ҳиндий тили тарихий оқимига яна қандай тиллар киради?
- 7) «ҳиндий» атамасини муомалага ким киритган?

Адабиётлар:

- 1) Захарин Б. А. Введение в истории языка хинди, М., 1978
- 2) Гуру К. П. Грамматика языка хинди. М., 1961, ч I-II.
- 3) Варма Д. Х. хиндий тили тарихи. Аллохобод, 1955 (хиндий тилида)
- 4) Тиварий У. Н. хиндий тилининг келиб чиқиши ва ривожланиши. Праяг., 1962 (хиндий тилида)

## **ИККИНЧИ МАЪРУЗА**

- 1) Жаҳон тилларининг генеологик таснифи масалалари ва хинд-орий тиллари мавқеси.
  - а) хинд-оврупо тиллари, уларнинг асосий хусусиятлари.
  - б) хинд-эрон ёки орий тиллар
  - в) Қадимги хинд-эрон тилларнинг намуналари.
- 2) Қадимги хинд-орий тиллар
  - а) Фонологияси
  - б) Морфологик хусусиятлари.

### **Таянч иборалар:**

Тарихий-қиёсий усул	хинд-эрон
тохар	аария
хетт	орий
кельт	дифтонг
италик	гуттурал
кучсиз (боскич)	квантитатив
кучли	шахссиз
презент	футурум
тематик	атематик
прекатив	кондинционалис
палаитал	сирғалувчи
церебрал	«Пратишакхья»
ашикал	палатал
лабиал	монофтонг
шивирловчи	сўз ўзгартирувчи
квалификатив	граммема

сўз синфлаштирувчи

перфект

ўзакли

синтетик

ворист

сигматик

дезидератив

Жаҳон тиллар кўламида албатта ҳинд-оврўпо тиллари етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда, чунки булар орасида ҳозирда энг кўп тарқалган ва нуфузли бўлган инглиз, испан, француз, ҳиндий, урду, португал, бенгал каби тиллар намоёндыр. Аммо, тарихий жиҳатдан қараганда уларнинг энг аввалги аجدодлар тилларига келганда буларнинг намуналари бунга етиб келмаган. Шунга қарамасдан маълумки, тилшунослар тарихий-қийсий усулдан фойдаланиб, аниқ бир даражада буларнинг намуналарини эҳтимолий шаклда тиклашга ҳаракат қилган ва шу хулосага келганки, бу тил тахминан м.а. 27-25 аср аввал юзага келиб, бундан ушбу оилага мансуб бошқа тиллар пайдо бўлиб оврўпо ва Осиё китъаларининг турли ўлкаларига ёйилиб кетган. Уларнинг илк ватани қаерда бўлганлиги масаласи ҳали-ҳанузгача яқуний равишда ечилмаган бўлиб, тахминан оврўпонинг бир қисмида бўлганлигига ишоралар топилган. Тарихий жиҳатдан булар ўн йил гуруҳлар кўринишларидаги тилларда ривожланиб келганлиги ҳам исботланган, жумладан:

- 1) Кельт
- 2) италик
- 3) олмон ёки тевтоник
- 4) юнон
- 5) болтиқ-словян
- 6) албан
- 7) арман
- 8) хетт
- 9) тохар
- 10) ҳинд-эрон

Шулар орасидан хетт ва тохар гуруҳларидаги тиллар истеъмолдан чиқиб кетган ҳисобланади ва қолган гуруҳлар авлодлари кенг миқёс ёйилиб турли тиллар шаклида ривож топган.

Қадимги ҳинд-оврўпо тилларга хос асосий хусусиятлардан, фонетикада унлилар тизимида а, i, u, e, o, oa, ii, ee, oo унлилар орасида ўта қисқа а, яримундош gi, li, gii, lii ва яримунли у ва w лар кузатилади. Ундошлар орасида ҳозирги ҳиндийга нисбатан q, qh, qw,qwh, quw, x, , товушлар мавжуд бўлгани маълум бўлади.

Аввалда олимлар фикрича, ушбу турдаги тизим ҳинд-эрон тилларининг энг қадимги кўринишида сақланиб қолган деб тушунилади.

Аммо кейинчаликдаги қиёсий тадқиқотлар натижасида бу тамин юнон ва латин тилларига кўпроқ тўғри келиши аниқланди.

ҳинд-эрон гуруҳи тилларига келсак, булар вакиллари ўзларини «аарйа» ёки «аэрийа» деб аташган еди. Шунинг учун бу гуруҳ «орий» тиллар гуруҳи деб ҳам аталади.

Ушбу гуруҳ тилларида битилган қадимдан-қадим ёзма мерос топилган бўлиб, булар асосан ҳинд-орий тиллардан «Ригведа» обидасининг тили бўлса, Эрон тиллардан эса энг қадимги «Авесто» ва форс тиллари бундай хусусиятга эга бўлган. «Авесто»нинг энг қадимги қисми «гатхалар» ҳисобланади. Бу тил «Ригведа» тилига жуда яқин деб ҳам топилган. Аммо «Авесто»дан ҳанузгача етиб келган парчалари жуда ҳам оздир, чунки гарчи баъзи мутахассисларга асосан уни м.а. 7-8 асрларда ва бошқа фикрларга кўра 3-4 асрларда битилган бўлсада уни йиғиб тўплаш фаолияти м. 3-7 асрлар сомонийлар давридагина амалга оширилган.

Қадимги ҳинд-орий тилларининг асосий тил хусусиятлари бу ерда фонологик ва морфологик жиҳатдан кўрилади. «Веда»ларнинг замирида ётган тил фонологияси масаласига ўтамиз.

Макдонеллнинг «Веда»лар грамматикасининг тўртинчи бўлимида, ушбу тилда 52 та асосий товуш мавжуд бўлиб, булардан 13та унли ва 39та ундош борлиги кўрсатилади.

Унлиларга келсак, булар орасида 9 та асосий товуш - Aú Aaú šú jú fú óú úú © ва <sup>a</sup> шунингдек 4 та дифтонг - E (A£)ú Ao (A£)ú...Ee (A£)ú AO (A£).

Ундошлар тизимида эса 25 портловчи кўрсатилган ҳолда булар талаффуз ўрнига кўра беш хил гуруҳга тақсимланади.

k'íúу гуттугал (тиш орқа): k( % ( g( ` £ ( taIYu палатал (юмшок) : c( ^ ( j( &( Á ( mUdRNU церебрал (милк ва тиш орасида): \$( !( ...@ ( # ( gaa( dN'Ty, апикал (тиш олди): t( q( d( /( n( AoZ!(Nu лабиал (лабли): p( f( b( .( m(

Сўнгра ундошлар орасида 6 та ярим унли - J\ (y) r( l( -( -(~ £\ (v)... ва 6 та жарангсиз шивирловчи (A`oz oZm) яъни сирғалувчи товуш белгиланади:

x( z( s( , висарга: тилчали ва палабҳал.

Булардан ташқари бир жарангли сирғалувчи h ((A`oz oZm) ва бир соф бурун димоғли (хu× Anusar) - товуши мавжуд.

Қадимги битиклардан Шикша яъни фонетика Пратишакхья (Ведалардаги фонетик ўзгаришлар ҳақида рисоалар) ва бошқа тарихий манбалар асосида қайта тикланган ушбу тилга хос хусусиятлардан асосийлари қуйидагилардир:

1) «Рикпратишакхья» рисоласида Ё товушининг талаффзига кўра уни тиш олди деб таърифланган, аммо айна пайтда уни церебрал деб

- ҳам тан олинган. Умуман, бу товуш хусусида муаллифлар аро анча келишмовчиликлар кўп. Унинг чўзиқ кўриниши © дир.
- 2) <sup>a</sup> товуши ҳақида эса шундай дейилганки, бу товуш жуда ҳам оз ишлатиладиган ходиса деб қайд қилинади. «Веда»ларда бу товуш фақат k<sup>a</sup>р негизидагина кўринади. С.К.Чаттержий фикрига кўра бунинг талаффузи инглиз тилидаги little сўзидаги иккинчи «l» га айниқса ўхшайди.
  - 3) E ва Ao товушларига келганда, булар ҳинд-орий тиллардан илгари ҳинд-оврўпо тилларида қўшма унли бўлиб келган, яъни Aa+š ва Aa+£ шаклларда юритиларди. Санскрит тилида эса булар чўзиқ асосий унлиларга айланган эди.
  - 4) «Веда» лар тилида олдинги Aaš ва Aa£ шакллари қисқариб бориб, аста-секин Aš ва A£ ларга айланди. Айнан шу шаклларда улар санскрит тилида ҳам юритилади. Деванагари алифбосида булар E ва Ao ҳарфлари билан ифодаланади.
  - 5) «с» товуши билан бошланувчи ундошлар яъни палатал гуруҳи аъзолари «Веда»лар даврида сирғалувчи фриктивлар бўлиб талаффуз этиларди, ваҳоланки ҳозир улар аффриката товушларидир.
  - 6) «\$» товушидан бошланувчи яъни церебрал ундошлар гуруҳи аъзолари эса ўша даврда анча фаоллашган товушлар қаторида эди.
  - 7) «Пратишакхья»ларга биноан «t» товушидан бош-ланган тиш олди гуруҳ «Веда»ларда талаффуз жиҳатидан тиш олди бўлмасдан альвеоляр тусига эга эди.
  - 8) š\ билан J\ эса соф ярим унли товуш ҳисобланади.
  - 9) -( ва -(~ товушлари бир замонларда «Ригведа» замирида ётган шевага хос эдилар. Уларнинг юзага келиши икки унли яъни интервокал позицияда турган @( ва !( лардан келиб чиққан ҳисобланади.
  - 10) Гарчи AnuSvarú яъни анусвара одатда унлидан сўнг келувчи бурун димоғли товуш бўладиган бўлса, аммо «Пратишакхья»ларга кўра бу товуш ўша даврда Anunaiskú яъни анунасиқа бўлмиш бурун димоғли унлига айланиш жараёнида эди.
  - 11) Анусвара шаклида бу товуш фақат y( ú r( ú l( ú v((ú x( ú z( ú s( ú h( лардан олдин келган ҳолда куза-тиларди. Ваҳоланки, портловчи ундошлардан олдинги позицияда бу товуш анунасиқага айланиб кетарди.
  - 12) k( товушидан олдин келувчи висарга кўриниши «тилчали» деб аталарди (jəamullu x ). Жумладан, tt: ik' бирикмасида висарга %( га ўхшаб талаффуз этиларди.

13) Шу сингари р( товушидан олдин келувчи висарга талаффузи палатал (ʃpʔmanɪy) дейилади. Яъни run: run: бирикмасида биринчи висарга чирогни аста-секин пуфлаб ўчириш пайтида пайдо бўлувчи товушсимон талаффузга ўхшаб кулокка чалинади.

Санскрит тилига келганда, бу тилда «Веда»лар тилига хос барча товушлар бўлмасида, церебрал  $\neg$  ва  $\neg(h$  дан ташқари деярли ўша тизимнинг ўзи бутунлай сақланиб қолган эди. Айрим товушларнинг талаффузида бир озгина ўзгаришлар ҳам намоён бўларди. Масалан,  $\text{ṣ} \rightarrow \text{ṣ}$  ва  $\text{ṣ}$  товушлар асосий товушлар сифатида мавжуд эканлиги шубҳа остига олинади.  $\text{E}$  ва  $\text{A}$  товушлар талаффузи санскрит тилида дифтонг бўлмасдан монофтонг бўлиб туюлади.  $\text{Aa}$  ва  $\text{Aa}$  дифтонглар эса ҳақиқатдан  $\text{Aa}$   $\text{Aa}$  ларга айланиб кетадилар. Панини давридаёқ (мил.авв. IV аср)  $\text{J}$  товуши аслда тишли-лабли  $\text{v}$  билан лабли (билабиал)  $\text{v}$  (товушларга айланиб бўлган эди. Пировардида эса  $\text{ṣ}$ — уга айланиб ва  $\text{y}$  ҳарфи кўринишида гавдаланади.

Анусварага келганда, бу товуш олдинги товуш билан уйғунлашиб анусварага юритила бошлаган эди.

Санскрит унлиларига умумий тавсиф берганда Г.А.Зограф баъзи бир изоҳларни алоҳида бериб кетади. Жумладан, буларнинг барчаси монофтонг ва дифтонгларга бўлинади. Монофтонглар ўз навбатида қисқа ва унга муқобил бўлган чўзиқ унлидан иборат жуфтликларга бўлинади. Дифтонглардан  $\text{ai}$  ва  $\text{au}$  ларга бўлинади. Гарчи тарихан илгариги чўзиқ  $\text{ai}$ : ва чўзиқ  $\text{au}$ : дифтонглари билан қисқалик / чўзиқлик қарама-қаршилигида бўлиб келган бўлсада, санскрит тилида булар амалда монофтонгларга айланади. Санскрит тили учун унлилар тизимида «аблацит» (унлилар уйғунлашуви) қабилидаги морфонолгик алмашинувлар кузатилади, яъни кўтарилиш босқичлари. Булар қуйидагичадир:

(заиф) босқич  $\text{i}, \text{i}:$   $\text{u}, \text{u}:$  қиёсл. -  $\text{r}$ ,  $\text{r}$ : (l)

ўртача босқич  $\text{e}:$  ( $\text{ai}$ )/( $\text{ya}$ )  $\text{o}$  ( $\text{au}$ )/( $\text{va}$ )  $\text{a}:$   $\text{ar}$ /( $\text{ra}$ ) (al)

(guna)

кучли босқич  $\text{ai}:$ /( $\text{ya}:$ )  $\text{au}:$ /( $\text{va}:$ )  $\text{a}:$   $\text{ar}$ /( $\text{ra}:$ ) (a:l)

Юқорида кўрсатилган мисоллар сўнгги пайтларда олимлар томонидан санскритча унлилар тизимини талқин қилишда ишлаб чиқилган махсус тушунча унлилар учбурчагидан далолат сифатида тушунилади. Бундай ёндашув шундан далолат берадики, қисқа ва чўзиқ унлиларнинг квантитатив (сонга таянган) қарама-қаршиланиши борган сари квалификатив (сифатга таянган) қарама-қаршиланиш билан қадимги ҳиндий тиллар давридаёқ уйғунлашиб келади.

Қадимги ҳинд-орий тиллар морфологияси хусусиятларини таърифлар эканмиз, булар ушбу жиҳатдан намунали равишда яққол турган сон, равиш, олмош ва феъл.

От сўз туркумига келганда, жинс (род) категорияси бу ерда сўз синфлаштирувчи категория бўлиб - музаккар, муаннас ва муханнас граммемаларнинг қарама қаршиланишига асосланади. Ваҳоланки, сон ва келишик категориялари сўз ўзгартирувчи характерга эга бўлади. Буларга асосан уч хил сон-бирлик, иккилик ва кўплик ҳамда келишик тизими пойдевор бўлади. Етти граммемали, яъни бош, тушум, асбоб, жўналиш, чиқиш, қаратгич ва ўрин-пайт келишиклари шаклан ажратилган ҳолда намоён бўлади. Шартли равишда буларга мурожаат келишиги ҳам кўшилади.

Демак, умуман олганда отларнинг ўзгариш қолипи 24 сўз шаклларида иборат бўлиши лозим, аммо амалда баъзи шаклларнинг омонимлик моҳияти туфайли ушбу сон албатта қисқаради.

Турлаш тизимига келганда асосан барча отлар икки умумий усулга бўйсунди. - биринчиси музаккар ва муханнас отларининг негизи -а кўшимчаси билан шаклларга оид бўлади ва иккинчиси - охири ундошга келган негизли барча отларга оид бўлади.

Музаккар ва муханнас отлар умумий ҳолда бош ва тушум келишиклар шаклларини бир-биридан фарўлаш орқали амалга оширилади. Муаннас ва музаккар отларнинг турланиши фақат -а:, -i:, -u:, кўшимчалари билан ўз ифодасини топади.

Бундай шакллардаги тафовутлар бутун қолипни камраб олади, (бирок бунга қаратгич келишиги кўплиги, қаратгич ва ўрин пайт келишиклар иккилиги ва баъзан асбоб, жўналиш ва чиқиш келишиклардаги иккилик шакллари мустаснодир). Ваҳоланки, ундошларга охири келган муаннас ва музаккар отларнинг турланиши бир-бирига тўғри келади. Бунда родни ажратиш учун ҳал қилувчи мезон сифатида мослашув мезони муҳим бўлиб қолади, чунки сифат ва сифатдошлар муаннас шаклларининг аксарияти -а: ва -i: га тугайдиган намунавий типларга кўра турланади.

Келишик категориясига келганда отлар турланишидаги барча типлар мос тушадиган иккиликда қуйидаги шаклларни ўзаро тўғри келиб қолиши кузатилади: бош ва мурожаат келишикларининг тушум келишиги билан; асбоб келишигининг жўналиш ва чиқиш келишиклари билан; қаратгичнинг ўрин-пайт келишиги билан. Натижада умумий қолип аслида уч келишик тизимига айланиб қолади.

Кўпликда эса бундай тўғри келиб қолиш жўналиш ва чиқиш келишиги шаклларига хосдир.

Кўшимча қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бирлик шакллардаги барча типларда (фақат -а га) тугайдиган музаккар ва муҳаммас отлардан

ташқари) тамоман ҳолда чиқиш ва қаратгич келишиклар орасида фарк қолмай қолади.

Бошқа айрим типларда эса юқорида кўрсатилган шакллар билан бирга бошқа келишик шаклларида ҳам омонимия юзага келади.

Аммо, мазкур тўғри келиб қолиш ходисалари турли сон отларида турли келишикларга тегишли бўлгани учун турлаш тизими умуман етти келишикли кўринишда гавдаланади.

Сифатлар масаласида санскритча сифатлар учун род категорияси сўз ўзгартирувчи бўлиб чиқади, чунки сифат ва сифатдошлар отлар билан мослашган ҳолда турланади.

Сон сўз туркуми Қ.х.О.Т. миқёсида сифатлар ва отлар орасида ўзига хос ўрин тутади. Булар отлар билан 19 гача ҳам келишик ҳам сонда, ваҳоланки 1- 4 гача бўлган шакллар родда ҳам мослашган ҳолда турланиши мумкин.

Олмошлар ҳақида фикр юритганда булар шахсий шакллар шахс сўз синфлаштирувчи категориясига эга бўлиб келади, бунга биноан биринчи ва иккинчи шахс шакллари қарама-қаршиланади. Учинчи шахсда кўрсатувчи олмошлар юритилади.

Шахсиз олмошларда шахс категорияси бўлмасдан род категорияси мавжуддир. Буларнинг турлаш тизими отларга хос турлаш қолипларига анча яқинлашади. Жумладан - tad «у, ўша», etad «бу, ушбу», нисбий шакллар yad кимки сўроқ олмошлари - kim «нима?, ким?» (бунинг шакллари kas -музаккар, kaа - муаннас - «ким?», kim муханнас «нима?»).

Ноаниқ шакллар сўроқ олмошларининг ноаниқлик билдирувчи ўзгармас юқламалари ( cid, ca, sana, ari) лар бирикиш натижасида ясалади.

Эгалик олмошлари асосан -а га охири келган сифат шакллари сингари турланади.

Феъл - қадимги ҳинд-орий тилларига хос категориялар қарама-қаршилиги тизимида уч хил белгиловчи элемент алоҳида ажралиб туради:

- 1) негиз тури
- 2) қўлланадиган қўшимчалар
- 3) а - олд қўшимчаси (аугмент) бор ёки йўқлиги.

Келаси замон ва тугал шаклларда синтактик шакллардан ташқари аналитик шакллар ҳам ( келаси замонда ва иккинчи шахсларда ҳозирги замон шаклларида as - «бўлмоқ»дан ясалган кўмакчи феълсимон шакллар билан бириккан ҳолда ва тугал шакллар -as-, kr' «қилмоқ» ёки bhuu «бўлиб қолмоқ»нинг тугал шакллари билан бириккан ҳолда) мавжуд. Феъл негизининг турларига кўра тахминий фикрларга асосан тўрт хил кичик тизим - презенс, футурум, перфект ва аористлар мавжудлиги аниқланади.

Презенс кичик тизимида барча феъллар негизлари ўн хил синфларга бўлинади. Булар орасида асосий туслашни акс эттирувчи тематик синфлар

- булар негизи охирида -а кўшимчасига эга бўлган феъллардан иборат бўлиб, буларга I синфдаги ёки VI синфдаги негизларга -а-, IV синфдаги негизларга -уа- ва X синфдаги феълларга -ауа- суффикслари қўшилади. Атематик синфлар иккиламчи даражадаги негизлар бўлиб, буларда II синф, III синф, V синф, VIII синф ва VII синф негизлари мавжуд.

Футурум негизи -суа- (-иуа-) суффиксининг қўшилиши орқали ясалади.

Перфект негизи -феъл негизининг қайтарма шаклидан ясалади.

Аорист негизи етти хил кичик типларга таянади -

1) ўзакли

2) тематик (-а- суффиксли)

3) қайтарма

4-7) сигматик яъни -s-, -is-, -sis- ва -sa- суффиксли.

Шахсий қўшимчаларга келганда булар орасида тўрт хил гуруҳ ажралиб туради, чунончи бирламчи, иккиламчи, императив қўшимчалари ва перфект қўшимчалари. Булар ўзаро аниқ ва ўрта нисбатларга ҳам бўлиниб қарама-қаршиланади.

Мазкур шаклларнинг барчаси фаол равишда юритилган бўлмасдан, плюсамперфект, жумладан, фақат «Веда»лар тилида айрим-айрим ҳолда кузатилгач, сўнги босқичларда кўринмайди. Классик санскрит тилида прекатив кондицианалис ҳам шунчалик сийракки, улар орасида қарама-қаршиланиш шубҳали туюлади. Қолаверса, имперфект, перфект ва аорий орасида унчалик вазифавий фарқлар ҳам бўлмай қолиб, булар бир-бирига грамматик маънодош бўлиб, ўтган замон шаклларининг стилистик кўринишлари сифатида қайд қилинади ва буларнинг ишлатилиши адабиёт жанрларига муфофиқ юз беради. Демак, вид категорияси аниқ ифодаланмаслиги яққолдир.

Шундай қилиб, санскрит феъл тизимида аниқ равишда функционал шаклланган қуйидаги грамматик категориялар кузатилади:

Нисбат категорияси. Қадимда юритилган a:tmanepadam «ўзи учун сўз» яъни *сꣳro*<sup>3</sup> нисбат *ragasmaipadam* «бошқа учун сўз» яъни аниқ нисбатга нисбатан субъект томонидан иш-ҳаракат натижаларидан манфаатдор эканлиги юзага келади ва бу категория сўз синфлаштирувчи ва сўз ўзгартирувчи категориялар орасида оралиқ ўрин тутиб келади. Бунга далил шуки, кўпчилик феъл шакллари фақат аниқ майлда ёки фақат ўрта майлда тусланиши мумкиндир. Албатта, бу категория кўлами мажхул нисбат туфайли кенгайса-да, аммо бундай қарама-қаршиланиш (ўрта нисбатга қараганда) презендан ташқари аориснинг уч шахс бирлигида ва нопредикатив шаклларда кузатилади.

Майл категорияси деярли ҳар доим презенс кичик тизимидагина ўз ифодасини топади. Бу ерда аниқ майлга буйруқ ва эҳтимоллик

(желательное) майллар қаршиланади. Кондиционалис (ёки ирреал) майл аниқ майлга фақат футурум кичик тизимида жуда чекланган ҳолда кузатилиб, биринчисининг шакллари йўқолиб кетгандан сўнг баргараф этилади.

Замон категорияси. ҳозирги, келаси ва ўтган замонлар қаршиланишида намоён бўлади. Шунда келаси ва ўтган замонларда илгари вид тафовутларига эга шакллар мавжуд бўлиб, пировардида йўқолиб кетган. Шаклан қараганда келаси замон синтетик шакллар белгиси -суа- аффиксига эга негиз бўлса, ўтган замондаги энг кўп учрайдиган имперфект шакли учун - аугмент билан қўшимча типларидир.

Сон ва шахс категориялари. ҳар бири уч хил граммемалар билан ажралиб туриб, шахсий қўшимчалар хилма-хиллигида ўз инъикосини топади.

Айнан грамматик категориялар билан бирга санскритда яримграмматик (яъни сўз ясалиш биланчегарадош) феъл категориялари мавжуд. Буларга юкорида тилга олинган мажхул шаклларида ташқари каузатив, интенсив ва дезидератив шакллар ҳам кузатиладики, буларнинг ишлатилиш доираси презенс кичик тизими билан чекланади. Буларга деминатив ҳам қўшилади.

Нопредикатив яъни шахсиз шакллардан санскритда инфинитив (-+ иш аффикслар), равишдош ёки обсолютивлар (-+ va:, -ya) ва нисбат ҳамда замон категорияларига таянувчи сифатдошларнинг ёйиқ тизими гавдаланади.

### **САВОЛЛАР**

- 1.ҳиндий тилининг энг қадимги шакли қайси тил оиласига мансуб
- 2.ҳинд-Эрон тиллар даври нималар билар характерланади?
- 3.Қадимги ҳинд-орий тилларга хос умумий хусусиятларга изоҳ беринг.
- 4.Фонетик хусусиятларига нималарни тадбиқ этиш мумкин?
- 5.Санскрит тилига хос фонетик ва морфологик белгиларга изоҳ беринг.
6. Санскрит тилидаги феъл тизими асосан нима билан ажралиб туради?

### **АДАБИЁТЛАР.**

1. Чаттержи С.К. Введение в индоарийское языкознание, М., 1977
2. Зограф Т.А. Языки Южной Азии, М., 1990
3. Зограф Т.А. Индоарийские языки. В кн. «Языки Азии и Африки» Т.,\ М., 1976 (110-148 бетлар)
4. Захарьин. К.А. Введение в историю языка хинди М., 1978
5. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш

## УЧИНЧИ МАЪРУЗА.

### Маъруза режаси.

Ўрта ҳинд-орий тиллар:

а) Бошланғич босқичи-палий тили, Ашока ёзувлари тилидаги Шохбазгархий, гирнор, калсий, жаогар ва шимолий-ғарбий кўринишлари.

б) Иккинчи босқич - адабий пракритлар - шаурасений, магадхий, ардхамагадхий, махараштрий ва пайшачий

в) Ўрта ҳинд-орий тиллар фонология ва морфология хусусиятлари.

### ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Каноник	қоядаги ёзувлар	шветамбара
ноканоник	махараштрий	дигамбара
эпиграфик	флектив	шаурасений
ардхамагадхий	пайшачий	буддийга қоришма санскрит
ёпиқ бўғин	геминатлар	магадхий
нафасли	висарга	апабхаранша
шовқинли	архаизм	дифтонг
муханнас	кондиционалис	бурундимоғли
аугмент	нопортловчи	палий

шивирловчи	граммема	императив
портловчи	парадигма	имперфект
сонант	сервариантлик	аорист
интервокал	ўртанча нисбат	оптатив
	нопредикатив	

Ўрта ҳинд-орий тиллар бизгача турли-туман ҳар хил манбалар асосида етиб келган бўлиб, ушбу манбаларда хронологик, худудий ва вазилавий жиҳатдан фарқланувчи кўринишлар ўз аксини топган. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлса бўлади:

1. М.а. III асрдаги (Ашока битган қоядаги ёзувлар) манбалардан то м.V асргача бўлган даврга мансуб эпиграфик ёдгорликлар. Булар қўламида Ўрта ҳинд орий тиллар (Ў.х.О.Т.)нинг кенг миқёсдаги шимоли-ғарбий, жануби-ғарбий, марказий ва шарқий маҳаллий кўринишлари қайд этилади. Буларга ўша даврга тўғри келувчи баъзи тангаларга зарб қилинган афсоналар ҳам киради.
2. М. II-III асрларига тўғри келадиган Марказий Осиёдан топилган қўлёзмалар. Булар орасида энг аввал шимоли-ғарбий пракритнинг (Ния ўлкасининг пракрити деб аталувчи) кўриниши ҳамда Ў.х.О.Т.нинг ўта санскритлаштирилган шакли бўлмиш «буддавий қоришма санскрит»ни тилга олса бўлади.
3. Манбалар каторида энг салмоқли гуруҳ бу буддизм ва жайнизмга оид каноник ва ноканоник адабиётлардир. Булар таркибида : а) буддизмнинг жанубий тармоғининг тили бўлмиш палий, бунинг адабий истеъмолига хос тарихи ниҳоятда кенг бўлиб, м.а. охири асрлардан то милодий эрасигача давом этади. Унинг қайси ўлкага мансублиги масаласи ханузгача мунозарали бўлган бўлса-да, Елизаренкова ва Топоров фикрларига кўра у Ў.х.О.Т. нинг ғарбий шеваларига яқин туради.  
б) Жайнларнинг шветамбара мазҳабига мансуб мелодий биринчи минг йиллик ўрталарида шаклланган диний қонунининг тили бўлмиш ардҳамагадҳий;  
в) мазкур мазҳабнинг тилида ёзилган ноканоник адабиётларнинг энг илк намуналари II-III асрларга тўғри келган жайнлар маҳараштрийси. Бу тилнинг энг сўнги излари XIV асргача яратилган баъзи асарларда намоёндр.  
г) дигамбара мазҳабининг милоднинг дастлабки асрларига мансуб жайнлар шаурасенийси.
4. Ў.х.О.Т. яратилган дунёвий ёдномалар тиллари маҳараштрийни тадқиқ этиш учун манба бўлган ҳолда бу тил қадимги ҳинд олимлар талқинида «асосан пракрит» деб таъбирланган ва лирик шеъриятида кенг қўлланилган. Булардан ташқари Ў.х.О.Т. сўнги кўринишлари - апабхараншаларда ёзилган бироз миқдордаги дунёвий ва диний асарлар ҳам мавжуд.
5. М. II асрдан тортиб яратилган санскритча мумтоз драма бўлиб,буларда баъзи қахрамонлар хусусан шаурасений ва қисман магадҳий бошқа пракритлар қўлланган.
6. Қадимги ва ўрта асрларда ижод этган ҳинд грамматикашунослар, даставвал Вараручи ва Хемачандралар асарларида юқорида тилга олинган ва бошқа пракритларни ва апабхараншаларни тасвирловчи зикр ва лавҳалар.

Мазкур баёнлардаги Ў.х.О.Т. вазилавий аҳамияти ушбу рўйхатнинг ўзидан маълум бўлмоқда. Гап шундаки, ўша даврдаги жонли тилларни акс эттира оладиган даражада турган эпиграфик обидалар ҳажман жуда кичик матнлардан иборат. ҳанузгача етиб келган материаллар аксарияти асосан у ёки бу равишда меъёрлаштириш ёки услубий ишловга юз тутган Ў.х.О.Т. ларнинг адабий кўринишларининг инъикоси бўлиб чиқмоқда.

Бундай услубий стилизация яъни услубийлаштириш миқёси айниқса «драматургия» да қўлланилган пракритларда жуда ҳам юксак. Бунинг устига Ў.х.О.Т дан ҳар бири ўзига хос вазилавий соҳада юритилиб бундай истеъмол баъзан кўп асрлар оша давом этиб қадимги ҳинд маданиятини қамраб олувчи ҳудудларни ўз ичига олганлиги туфайли сақланиб қолган тиллар кўринишларини асл макони ва мукамал хронологияси нуқтаи назаридан аниқлаб чиқиш ниҳоятда қийин масаладир.

Гарчи палийдан ташқари бошқа пракритларнинг номларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда, бир томондан, қадимги тилшунослар қилган ишораларига таяниб, ва иккинчи ҳамда асосан уларни эпиграфик обидаларда қўлланган илк шакллар ва хусусан сўнгги тиллар бўлмиш маконлари маълум бўлиб бўлган дастлабки Я. Х. О. Т. Билан солиштирганда буларнинг муайян ҳудудларга алоқадорлигини тикласа бўладиган бўлса-да, Ў.х.О.Т. ларнинг лингвистик харитаси тахминий характерга эга бўлади. Худди шу тарзда буларнинг нисбатан юқори турғунлиги туфайли тилларнинг таркибий (структурал) шаклларини ўзаро чоғиштиришдан келиб чиқадиган тахминларга кўра ушбу тиллар хронологияси ҳам асосан нисбий бўлади.

Шуниси қизиқки, Ў.х.О.Т. нинг адабий қўлланилиш (истеъмоли) мобайнида икки қарама қарши жараён кузатилади. Биринчиси, бу табиий фонетик ва грамматик эволюция бўлиб флектив тузумининг пароканда бўлиши ва грамматик шаклларнинг унификациясига олиб келган бўлса ва бунга тўсқинлик сифатида адабий меъёрнинг қарама-қаршилигининг сезилишидир. Иккинчиси эса, баъзи пайтлари ўша меъёрлаштиришнинг янада юксалиши ва амалда санскритлаштиришидаги тенденцияда ўз ифодасини топади. Бу тенденция айниқса, «буддийча қоришма санскрит» кўринишида энг авжига чиққан бўлди, чунки бунда шакллар нафақат тегишли пракритча санскритга тикланиш даражасига етган эди, балки уларга тақлид қилган ҳолда янги «санскритсимон»(псевдосанскритизм) шакллар ҳам ясаиб келинардиди-да булар санскритда ўз ҳақиқий муқобилларига эга бўлмаган пракрит шаклларнинг ўринларини эгалладилар.



Ёпиқ бўғинларда (яъни геминатлар ва «бурун димоғли + портловчи» бирикмаларидан илгари) фақат қисқа унлилар келиши мумкин.

Праkritларга келганда «е» ва «о» товушларнинг қисқа кўринишлари ҳам кузатиладики, булар «i» ва «E» товушларга айланишга қодир.

Бурун- димоғли товушлар масаласи ҳам ноаниқдир. Масалан, санскрит сингари палий тилида булар соф унли ҳамда бурун димоғли портловчи билан бириккан ҳолда кузатилса, праkritларда ва хусусан апабхараншаларда «бурун - димоғли унли – бурун-димоғсиз унли» қарамақаршилигини кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин.

Қ.х.О.Т. ларга ўхшаб Ў.х.О.Т ундошларининг тўплами (инвертари), асосан, ўзгармаган бўлиб, баъзи бир Ў.х.О.Т тилларнинг ўзаро ва Қ.х.О.Т. нисбатан фарқлари нопортловчи товушларга боғлиқдир. Жумладан, палий, магадхий ва Ния праkritида бошқа праkritларда кузатилмаган го фонемаси мавжуд, палий ва пайшачийларда lo церебрал товуши юритилади. Бу товуш палийда d' ундошининг аллофони ҳисобланади. Шивирловчи S, s' ва s фақат праkritларнинг шимоли ғарбий кўринишлари ва Ния праkritларида кузатилади. Ваҳоланки, магадхий ва бошқа шарқий Ў.х.О.Т. да битта S товуши, бошқа шаклларда яъни марказий ва жанубий ғарбийларида - S товуши мавжуд.

Праkrit ва апабхараншаларда бурун димоли m, n ва l ларнинг «h» нафасли товуши билан бўлган бирикмаларида бошланғич позицияда ишлатганлиги учун мустақил нафасли фонемалар ҳисобланади.

Шундай қилиб, праkritларнинг айниқса адабий кўринишидаги шакллари ўзаро фонемалари сон ва тартиб жиҳатдан унчалик фарқ қилмайдилар. Масалан, палийда булар 33 гача чекланган бўлса, адабий праkritларда эса бундан ҳам озроқ бўлиши мумкин. Жумладан, махараштрий ва шаурасенийларда фонемалар тўплами (инвертари) бутунлай ҳар хил бўлиб чиқади.

Ў.х.О.Т. фонологиясининг ўзига хослиги бу фонемалар дистрибуцияси (бирикувлари) дир.

Масалан, Қ.х.О.Т турли ундошларнинг бирикмалари деярли кузатилмаса, Ў.х.О.Т.ларда эса, аксинча, ундошлар бирикмалари ниҳоятда чекланган бўлиб, асосан геминаталар ҳамда нафассиз портловчи ундошларнинг тегишли нафасли ундош билан, бурун димоғли ундошларнинг портловчи ундошлар билан ва сонат

(яъни бурундимоғли ёки Е) ларнинг «h» билан бирикмалари кўп учрайди.

Унлилар бирикмаларига келганда эса, булар икки ёки уч аъзоли бўлган ҳолда чекланган ҳолда бемалол ишлатилади. Сўзнинг охирида бурун димоғли ундошга аллафон бўлиб келувчи бурун димоғли унлиларни ҳисобга олмасак, Ў.х.О.Т. товуш тизимида сон жиҳатидан ундошларга нисбатан озчиликни ташкил этувчи унлилар юқори частотали даражада бўлиб матнларнинг таҳминан ярмисини қамрам оладилар.

Ў.х.О.Т.ларини бирбиридан ажратувчи энг яққол фонологик белгилардан бу интервокал позицияда келувчи яққа портловчи шовқинли ундошларнинг чекланишидир. Жумладан, палий ва эпиграфик илк обидаларда барча портловчилар келса, шаурасений ва магадҳийлар фақат жаранглилари, маҳараштрийда эса шовқинли портловчилар бундай позицияда бутунлай кузатилмайди, м-н; скр. loka «дунё» палийда loka , а-м.да loga, мах. loa ; скр. at'a «ўшанда» - палийда at'a, шаур.ad'a, мах. aha ва х.к.з.

Энди, палий ва пракритлар даврига оид турли манбалардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни кўрамиз.

Палийда 10 унли бўлиб, булар а, а:, i, i:, u, u:, e, Е, о, ао лардир, ваҳоланки, го , го:,lo, ае: лар бу тилда кузатилмайди. Аслида го товуши а, i, u ларга айланиб кетади. го билан lo, ларнинг ишлатилиши санскритнинг ўзидаёқ деярли йўқолиб кетган эди. Ае ва ао ўринларига эса е ва о лар қўлланилади.

Палий тилида янгилик сифатида қисқа е ва о лар юзага келади.

Ундошлардан х ва z лар ишлатилмасдан улар ўрнига s қўлланилади.

Висарга ҳам бу тилда мутлақо кузатилмайдиган бўлиб, ўрнига олдин келадиган А билан қўшилиб Ао сифатида талаффуз қилинади, ёки бўлмаса бутунлай йўқолади.

Қолган товушлар санскритга ўхшаган ҳолда берилади.

Пракритларда палийга қараганда салмоқли ўзгаришлар кузатилмайди. Магадҳийдан ташқари бошқа пракритларда у билан х кузатилмайди.

Магадҳийда s ўрнига х келиши мумкин. z ва висарга ҳам пракритларда тикланмайди. Ваҳоланки, z Ашока ёзувларининг шимолий ғарбий қояларида учратилиши мумкин.

Ў.х.О.Т. морфологик хусусиятлари тўғрисида фикр юритганда шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, Ў.х.О.Т. нинг от ва феъл сўз ўзгартирувчи тизимларининг ривождаги асосий белги бу

ушбу тизимлар парадигмасининг тадрижий қисқариб боришидир. Буларнинг боиси, бир томондан, баъзи Қ.х.О.Т. грамматик категорияларнинг йўқолишига олиб келувчи айрим граммемалар туташувларининг ўсиб бораётган нейтраллашуви бўлиб, иккинчи томондан эса, турли ҳар хил сўз ўзгартирувчи типларни умумлаштиришга қаратилганлигидадир. Натижада, қатъиян меъёрлаштирилган санскритча қолипларга қараганда, Ў.х.О.Т. ларнинг умумлаштирилган парадигмалари ўзаро ёнма ён ва параллел қўлланилаётган вазифавий жиҳатдан бир бирига тўғри келадиган қўшимчаларнинг юзга келиши самараси бўлган кенг қўламдаги сервариантлик билан алоқасини йўқотгани ёки ёзма адабий тилга шеваларга хос шаклларни ифода этиши туфайли қўпайиб келадилар.

Отларга мансуб морфологик категориялар масаласига келсак, Ў.х.О.Т. даги манзара сон жиҳатидан Қ.х.О.Т. дагидек бўлса-да, уларнинг ички ҳажми ва ифодаланиш даражаси анча торайган кўринади. Жумладан, род категорияси гарчи илгаригидек уч хил граммемага таянган бўлса-да, бироқ муаннас шаклларнинг бошқа шаклларга қаршиланиши негиз типда ҳамда қўпинча бирликнинг деярли барча келишикларида изчиллик билан яққол акс этирилган бўлса, муханнас шакллари эса музаккар шакллардан фақат бош ва тушум келишиклар қўшимчалари билангина фарқ қилади. Сон категориясининг ҳажми ҳам иккиликнинг бутунлай йўқолиши натижасида қисқариб кетди. Келишик категорияси ҳам жўналиш келишигининг қаратқич келишиги билан алмашинуви натижасида анча қисқаради. Устига устак пировардида бошқа воситали келишиклар ҳам ўзаро уйғунлашади. Бундай силжишлардан биринчиси сўнгги Ў.х.О.Т. даврида турлашнинг барча типларида амалга ошган бўлса, иккинчиси бирлик муаннас шакллар қолипида ўз аксини топади.

Ў.х.О.Т. ларга Қ.х.О.Т.лардаги қўп ва хилма хил типлардан бор йўғи -а, -i, -u, -a:, -i:, -u: ларга охири келганлари қолади холос. Қадимги шаклларга муқобил турган флексиялардан ташқари бутунлай санскрит, Веда ва бошқа Қ.х.О.Т. ларда кузатилмайдиган умум ҳинд-эрон ёки умум ҳинд-европо тилларида учрайдиган архаизмлар ва иккинчи томондан, равишсимон келиб чиқишга эга бўлган бутунлай янги шакллар учрайди (инновациялар).

Музаккар ва муаннас шакллардан -а га тугайдиган шакллар қолипи асосан, -i, -u ларга тугайдиган шакллар қолипига ўз таъсирини ўтказиб, пировардида иккала тип бутунлай бирлашишга боради.

Муаннас шаклларда эса аста-секин аксариятни -i: га тугайдиган шакллар эгаллаб боради. Хусусан, сўнгги Ў.х.О.Т. ларида бу кўшимча сифатлар учун ва -i:, [-i] pi: лар эса муаннас отлар учун хусусий муаннас кўшимчаси бўлиб қолди.

Олмошлар турланиши масаласига келсак, булардаги турланиш тизими отларга хос тизим билан тадрижий равишда яқинлашмоқда, чунки, жўналиш келишиги учун хос бўлган айни олмош шакллариининг йўқолиб кетиши ҳамда олмошлар қолипларига ва аксинча отлар қолипига олмошларнинг кириб келиши бунга сабаб бўлмоқда.

Шахсий олмошлар тизимида эса шевалардан ўзлашиб келинаётган ҳамда ёнма-ён параллел қўлланилаётган вариант шакллар туфайли айниқса хилма-хиллик тусини касб этади.

Феъл тизими Ў.х.О.Т. да Қ.х.О.Т. лардан фарқли ўларок грамматик категорияларнинг ҳажми ва ифода даражаси билан ажралиб туради. Аммо уларда редукция жараёни отларга нисбатан анча салмоқлироққа ўхшайди.

Нисбат категориясидан бошласак, бу ердаги қарама-қаршиликлар ўтимсиз-шахссиз иш-ҳаракатини ўтимли-шахсли иш-ҳаракатига зид бўлишидан иборатдир. Яъни, актив шакллар шу тариха мажхул шаклларга қаршиланиб, мажхуллик ясалиши палийда -уа- \ - i:уа-, шаурасений ва магадҳийда -i:a ёки -ijja- суффиксларни актив феълларнинг ўзаги ёки ҳозирги замон негизига қўшилиши билан амалга ошади, ваҳоланки, шахсий кўшимчалар иккала шакл учун муштаракдир.

Ў.х.О.Т. феъл тизимида средний залог (ўртанча нисбат) қўлланишига келганимизда бундай шакллар бу давр тилларига хос бўлмасдан, Қ.х.О.Т. тизимида юз берган муносабатларнинг қолдиғидир (рудименты).

Майл категориясига келсак, бу ердаги қарама қаршиликлар универсал равишда аниқ майл шакллариининг буйрук (императив) майлига қаршиланишда мужассам этилади. Бундан озроқ равишда аниқ майл шакллари эҳтимоллик (желательное наклонение) ёки оптатив майлига қаршиланиши мумкин. Охириги майл шакллари кўпинча палий, ардҳамагадҳий ва жайнчилар маҳараштрийсида намоён бўлади. Ифода плани жихатидан қараганимизда, оптатив ясалиши аниқ майл шаклларидаги негизга негиз охиридаги унли эвазига палий тилида -e-\ -euуа- ва пракритларда -ejja- аффиксини кўшиш орқали амалга ошади.

Ваҳоланки, аниқлик майлининг императивга қаршиланиши фақат шахсий кўшимчалар орқали кузатилади.

Палий тилининг илк матнларида ўхтин-ўхтин учрайдиган ирреал майл (кондиционалис) шакллари ҳам учраб туради. Булар Қ.х.О.Т. каби келаси замон негизига аугмент билан иккиламчи қўшимчалар қўшилиши натижасида ясалади.

Замон категорияси эса ҳозирги, келаси ва ўтган замонлар граммемаларини қарама қаршиланиши орқали ўз ифодасини топади. Шаклан ҳозирги ва келаси замонлар негиз жиҳатидан фарқланади, Жумладан, келаси замонда -issa- суффикси қўлланилади ва унга шахсий қўшимчалар қўшилади. Ўтган замон шакллари замирида сифатдош шакллари ётадики, булар ўтган замон мажҳул сифатдош билан шаклан тенглашади. Булардан ташқари, палий тилида Қ.х.О.Т. имперфект-аорист шаклларида келиб чиқадиган флектив (синтетик) шакллар ҳам мавжуд.

Сон категорияси (иккиграммема) ва шахс категорияси (уч граммемадан) иборат бўлиб, шаклан шахсий қўшимчалар қарама қаршиланишига таянади. Гарчи ўтган замон сифатдош шаклларида шахс категорияси бўйича қаршиланиш ўз ифодасини топмаса-да, буларда албатта, ўзига хос шахсий қўшимчаларда акс этирилган род категорияси яққол намоён бўлади.

ҳозирги замон шакллари келганда Қ.х.О.Т. ларга хос турли туман типли негизлар ўрнига Ў.х.О.Т. да икки типгина ишлатилади: -а негизли шакл (умумий) ва асосан «ясалган» яъни каузатив ва деноминатив феълларга хос -е негизли шакллардир. Шундай қилиб, сўнги Ў.х.О.Т. ларда оптитив йўқолиши ва императив қолипнинг қисқариши билан шахсий (носифатдош) шакллардан фақат икки универсал типли негиз қолади, жумладан, ҳозирги ва келаси замон шакллари, буларда шахсий қўшимчалар тўплами (набори) ҳам муштарак бўлиб қолади.

Нопредикатив шаклларни асосан инфинитив (-tum', -dum', -um', -ittae), абсолютив (шаурасенийда -ia; маҳараштрийда -iu:n'a, ардҳамагадҳийда - itta, - idu:n'a) ва нисбат қарама қаршилигининг йўқотилиши натижасида шакллар сони қисқариб бораётган сифатдошлар акс этирадилар. Ў.х.О.Т. лар учун аксариятан сифатдошларнинг қуйидаги шакллари ҳосдир (-ma:na ёки озроқ -auta) лардан келиб чиқувчи ҳозирги замон шакллари ҳамда (-ita, -ida, -ia) лардан келиб чиқувчи ўтган замон шакллари ва қолаверса, (-tavua, -ua) лардан келиб чиқувчи келаси замон ёки перспектив шакллари дир.

Биринчи икки турдаги шакллар анча кучайиб, улар асосида вид маъноларини ифодаловчи аналитик феъл шакллар ривожланиб Я.х.О.Т. ларида ўзининг энг лўнда кўринишларида гавдаланади.

### **САВОЛЛАР:**

1. Ўрта ҳинд-орий тиллар даврининг дастлабки босқичида қандай тиллар юритилган?
2. Иккинчи босқичдаги тилларга изоҳ беринг.
3. Ўрта ҳинд-орий тилларга хос фонологик хусусиятлар нимадан иборат?
4. Палий тилининг товуш тизими ҳақида нималарни биласиз?
5. Ўрта ҳинд-орий тиллар морфологик хусусиятлар нималардан иборат?
6. Шу тиллардаги отлар тизимида қандай ўзгаришлар юз берган?
7. Ушбу тиллар феъл тизимига хос атамаларни умумий тавсиф сифатида айтиб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Содиқова А.С, Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш, Т., 1981
2. Чатгержий С.К. Введение в индоарийское языкознание М., 1977
3. Зограф Г.А. Языки Южной Азии, М., 1990
4. Захарьин Б.А. Введение в историю языка хинди М., 1978
5. Шоматов О.Н. жанубий Осиё тилларига кириш, Т., 2003

## Тўртинчи маъруза

Апабхаранша - Ўрта ҳинд -орий тилларнинг  
учинчи босқичи сифатида.

### Таянч иборалар

апабхаранша	«Натьяшастра»	«Кавьямиманса»
абхира	муружаат келишиги	синтетик-флектив
тишли	шивирловчи	сирғалувчи
тамоқ товушлар	танглайли	чўзик
қисқа	ёнли	лабли
церебрал	редукция	аналогия қонунияти
назализация	деназализация	унлилар товланиши
эпентеза	аспирация	де-аспирация
метатеза	келишик ясовчи қўшимча	иккилик сони
бажарувчи (фоил)		

Олимлар фикрича, барча Я.х.О.Т. шу босқичдан ўтиб ривожланиб келади. Бу ном эса м.а. 2 асрда яшаган таниқли тилшунос Патанжали давридан тортиб қўлланиладиган турли маънолари билан юритилган эди.

Уларнинг кўринишлари хусусида фикр юритганда Патанжали буни «бузилган сўз» *apashabd* деб таъбирлайди, яъни ноадабий, Панинига хос бўлмаган сўз деб.

Милоднинг 6 асрда эса пракрит грамматикаси бўйича мутахассис бўлган Чанд ўзининг «Пракритлакшанам» (Пракрит аломатлари) асарида «апабхаранша» атамасини «тил»га тадбиқ этади. Бхамаха номли олим ҳам уни санскрит ва пракритлар билан тилга олади ўз асари «Кавьяаланкара»да, Дандин каби таниқли олим ва олим ўзининг «Кавьяадарша» асарида бу тилни «Абхир» (яъни ижтимоий тоифа) ва бошқаларнинг тили деб атаган.

9 асрда Рудрата номли олим санскрит ва пракритлар қатори апабхараншаларнинг бир неча маҳаллий кўринишлари мавжудлигини тилга олади.

11 асрга келганда пракрит грамматикаси муаллифи Пурушоттам апабхараншани ўқимишли тоифалар тили деб тан олади ва 12 асрда таниқли олим Хемачандра апабхаранша грамматикасини тузади. Шундай қилиб, шева, халқ тили, ўқимишлилар ва адабий тил маъноларида кўлланиб келди.

### **Апабхаранша тилининг даврланиши муаммоси**

Бу тилнинг даставвалги намунаси Бхарата олимнинг «Натйяшастра» (300 й) асарида учрайди. Ушбу олимнинг фикрича, бу тилда «и» (у) товуши кўп кузатилиб morullau, nachchantau каби сўзлар келтирилади. Дандиннинг юқоридаги мулоҳазасига қараганда худди шу тил назарда тутилганга ўхшайди. Аммо юқорида берилган мисолларда мутахассислар пракритларнинг таъсири кучли эканлигини таъкидлаб ўтишадилар, ваҳоланки, n'ei, n'ech, jon'hanD сингари соф апабхаранша сўзлари ҳам бор деб кўрсатилади.

Буюк шоир Калидасанинг «Викраморваши» («Жасорат билан қўлга киритилган Урваши») достонининг 4 қисмида апабхараншада бир неча байтлар берилган. Уларнинг аслияти юзасидан олимлар орасида ҳамфикрлилик кўринмайди. Жумладан, Якоби, С.П. Пандит ва бошқалар буларни «қолиб кетган» деб атайдилар, аммо доктор Э. Н. Упадхйе ва доктор П.В. Тагаре лар аслий деб тан олишади. Агар иккинчи фикрни асос қилиб олсак, унда апабхараншанинг бошланиши 5 асрга тўғри келади. Аммо буларнинг барчаси амри маҳол.

6 асрда Валабхи ўлкасининг шоҳи Дхарасена битган пальма баргларидаги ёзувлар ва санскритча шеърият иборалардан таҳмин қилинадикки, ўша давргача бу тил халқ оммаси тили сифатида тарқалиб бўлгач унда адабий фаолият тус олиб ҳатто олимлар ҳам ундан фойдалана бошладилар. Шунга асосланган ҳолда таъкидласа бўладикки, апабхаранша даври 600 й.дан бошланган. Шунда аввало шеърият жараёнлари куртак отиб 15-16 асргача давом этади. Аммо 12 асрларда апабхаранша оддийгина сўзлашув тили даражасидан ўтиб, адабий тил нуфузли даражасига кўтарилди. Буни 12 асрнинг иккинчи ярмисида тилшунос Хемачандра пайқаб, апабхаранша билан қишлоқ аҳолисининг тилини бирбиридан ажратади ва апабхараншанинг махсус грамматикасини тузиб чиқади.

13 асрдан тортиб эса, янги ҳинд-орий тилларида дастлабки адабий асарлар яратила бошланди. Шундай қилиб, апабхаранша Ў.х.О.Т нинг

охирги босқичи бўлиб, 600-1200 йиллар даври мобайнида халқ тили даражасида юритилиб келинди.

### **Апабхаранша тилларининг ҳудудлари.**

Бхаратанинг «Натьяшастра» асарида «у» ловчи тил Химават, Синдхусаовар ва бошқа уларга тегишли ўлкаларда ёйилган деган сўзларидан шу нарса аниқ бўлдики, апабхаранша тили ўша даврда Хиндистоннинг шимоли-ғарбий ўлкаларида тарқалиб борган. Бошқа асар бўлмиш 10 асрда яратилган Ражшекхарнинг «Кавямиманса» сида апабхаранша Марубхуми (яъни Сахролар ўлкаси), Такка (Синдх ва жанубий Панжоб) нинг атрофларида ҳам кенг кўламда юритилади деб кўрсатилган. Ражастхан, Гужарот, Шимоло-Ғарбий Хиндистон, Бунделкханд, Бенгал ва Жанубдаги Дханьякхатгача қулоч ёзган узоқ-узоқ ерлардан топилган. Демак, ўша ерлардаги тиллар билан апабхаранша тилининг бевосита алоқалари ўрнатилиб ўзаро таъсирланиш ҳодисалари ҳам юз берган бўлиши керак.

### **Апабхараншанинг кўринишлари**

Мазкур адабитлар тили ҳақида фикр юритганда шуниси маълум бўладики, унда тил тафовутлари жуда ҳам оз бўлган, чунки тил адабий жихатдан шаклланган бўлиб, сайқал топиб меъёрлашган даражада эди. Аммо, шунга қарамаздан, грамматикалар муаллифи бунинг маҳалий кўринишлари мавжудлигини кўзлаган ҳолда упанагара, атхира, грамйя, нагара ва брачар деган атамалар билан уларни тилга олганлар. 17 асрда яшаган Маркандея жами 27 кўриниш борлигини таъкидлаб ўтади.

Олимлар фикрича апабхаранша адабиёти асосан Малва, Гужарат, ва Ражастханларда гуркираб гуллаб ривожланган эди ва бунинг таъсирида Бенгалия ва Жанубий Хиндистонда ҳам шу адабиёт оммабоп адабий тилга айланган эди.

### **Апабхаранша ва абхира қабиласи**

Бу қabila билан ушбу тилнинг тарихи мутахассислар фикрига кўра, жуда ҳам чамбарчас боғланган. Шунинг учун ушбу қабиланинг тарихига ҳам назар ташлашимиз лозим.

Маҳабхаратада бу қабиланинг даставвал тилга олиниши ва ушбу қabila ўша даврда Синднинг ғарбий қисмида яшаганлиги

қайд қилинади. Шулардан тахмин қиладики, бу қабила мелодий даврнинг бошланиши билан боғланган холда Шимоли-Гарбий Хиндистонда пайдо бўлиб яшай бошлаган эди.

Сўнгра 191 йил Кахьявар ярим оролида Гужарот топилган Рупрадранинг ёзувларида абхирлар саркардаси Рубрабхутининг садақа қилиш маросими зикр этилган. 300 йил Махараштранинг Насик ўлкасида топилган ёзувлардан абхирлар шоҳи Ишварасен ҳақида маълумотлар топилган. 360 йилда эса Самудрагупта Праяг Аллоҳободда битган қоя ёзувида абхиралар тасарруфида Гупталар сулоласм хукмронлик қилган худудларнинг Малва, Гужарат, Ражастхан ва бошқа ерлардан кўп ўлкалар бўлганлиги маълум қилинади.

Аста-секин булар Хиндистоннинг марказий ва Шарқий қисмларига ҳам ёйилиб бордилар. Бу ҳақда турли маълумотлар манбаларда келтирилади. Буларнинг юқори тоифаларига мансуб вакилларни кшатрия вавайшьялар варналарига қабул қилиниб, қолганлари шудраларга кўшилди.

Булардан ташқари апабхаранша тили билан гуржар қабиласи ҳам алоқадорлиги аниқланади ва буларни абхираларнинг бир уруғи сифатида таъбирланади.

### **Апабхаранша хусусиятлари**

Фонетик жихатдан (1) авваламбор санскритча ва пракритча сўзлар охиридаги унлиларнинг йўқотилиши (2) улардан олдинги унлиларнинг сақланиши (3) сўзлар бошида кўшма ундошлар ўрнига битта ундошнинг келиши (4) кўшни бўғинларнинг қисқартилиши ва уйғунлашуви.

Морфологик жихатдан (1) музаккар қисқа <a> билан тугайдиган сўзлар аксарияти (2) род тафовутлари деярли тугаган даражада (3) мурожат келишиги кўшимчаларининг йўқолиши (4) келишиклардан фақат асбоб ва ўрин-пайт муаннас шаклларда кўшимчаларнинг кўлланилиши қолганлари орт кўмакчиларнинг бирикиб келиниши (5) кишилиқ олмошлар шаклларининг қисқариши (6) сифат олмошлар шаклларини отларга мувофиқланиши (7) феъл замонлар шаклларининг қисқариши (8) сифатдош шаклларининг кўпайиб бориши.

Апабхаранша даврида синетик-флектив тузумли босқичдан кескин равишда аналитик тузумга ўтиш намоён бўлади.

### **Фонетик хусуситлар**

Апабхраншада пракритларга хос барча товушлар сақланиб келинади. Жумладан; қисқа унлилар **а,и,у,э,о**; чўзик **а: и: у: э: о:** ва **ри**, масалан: **трану «хас», сукраду «хурсанд»**

Апабхраншадаги имло тўла-тўқис санскрит ва пракритларга таклид қилиниб бериларди. **э',о'** каби қисқа унлилар учун махсу ҳарфлар берилмаган эди. Шимолий Хиндистонли адиблар буларни у ва у: елгилар билан ифодалашарди.

Худди шундай ҳодиса қисқа **«а»** га ҳам тегишли, чунки ҳозирги бенгал тилидаги қисқа **«а»** ҳиндийдан фарқли ўлароқ талаффуз этилади. Бинобарин апабхраншаларда ҳам шу ҳодиса аксини топган бўлса керак.

Баъзан, ўртада тушурилган ундош ўрнига адиблар қисқа **«а»** ни ёки **«й»** ни беришарди, айримлари эса олдинги унли ёки ундошга уни қўшиб юборарди. Ушбу хусусиятлар туфайли апабхранша фонетик тизимини яққол тасаввур этиш қийиндир.

Ундошлардан **к,кха,дха** (томоқ товушлар), **ч,чха,ж,жха** танглайли **р,д,у,дх,н** церебрал: **т,тха,д,дха**(тишли), **п,пха,б,бха,м** (лабли), **й,р,л,б** ёнли: **ш** (шарқий апабхраншада) **с,х** «шивирловчи, сирғалувчи».

### Товуш ўзгаришлари. Унлилар тизимида

Куйида берилган асосий хусусиятлар ЯХОТларда ўз давомини топиб ривожланиб боради:

(1) Сўз охиридаги унлиларнинг қисқариши ЯХОТлардан биҳарий, кашмирий, синдҳий, ва конканийлардан ташқари ушбу хусусият кузатилади. Редукция ҳодисаси, жумладан, **kshetrit > khatti: kshetrīta > kshetti** «даладаги» **ura: dya: u > ujbha: упадхйаа > ужжхаа** (хиндийда **oḥa:**) «браҳманларнинг бир уруғининг номи», қисқариш ҳодисаси эса **ṛiṅa: «севгилим» > riṅa ; sandhya: сандхйаа «оқшом» > sanjha.**

Бундай ҳодиса натижасида **e > i** <sup>3</sup>исқариш ҳодисаси юзага келади. М-н, **asme > amhi «менга», tushme > tumhi «сенга»**. Қолаверса, **svayam «ўз» > saiN** ва **avashyam «албатта» > arva:sam** каби мисоллар мавжуд.

(2) Охиридан олдинги унлининг сақланиши. М-н, **andhkaara «зулмат, қоронғулик» > andhaara; bhujangam «илон» > bhuvangam ; pushkar «ҳовуз, ҳавза» > rokkaḥa**. Булардан баъзи истиснолар ҳам учрайди: **svarupa «қўриниш, шакл» > saruv ; pa:shaa:Na: «тош» > paḥan.**

Баъзан охириги ва охиридан олдинги товушларнинг уйғунлашуви кузатилади, М-н, mrittika: «лой» > maTTia: > maTTi: ; indriya «хис-туйғу» > indriya > indi. Бундай мисоллар кўпинча шарқий апабхараншага хос бўлиб, ғарбийсида жуда ҳам сийрак, масалан: pustaka «китоб» > pottha: ; kshetrita: «қишлоқ хўжалик» > khetitia > kheti: .

Урғу ўрнининг ўзгариши ва аналогия қонуниятига кўра куйидаги ходисалар ҳам кузатилади. Охиридан олдинги унлида uttam «энг юксак» > uttim, madhyam «восита» > majjhim.

(3) Сўзнинг биринчи бўғинига қадимда урғу тушганлиги сабабли ўша бўғиндаги унли сақланиб қолиши, аммо баъзан урғу тушмаганлиги ёки бошқ сабабларга кўра ушбу унлининг ўзгариши ҳоллари ҳам учрайди. Биринчи ҳодиса куйидаги мисолларда кўринади. **gambhira** «чуқур»(скр.gambhira)дан **gahira:bahutva**(скр.brihant) дан «кўп,жуда»**bahutt:dhyana** «диққат»,**jhanna**.

Иккинчи ҳодиса эса куйидаги мисолларда намоён бўлади:скр.kasya

«кимнинг»,**kassy:скр.aatman**,<жон,рух>,**aarpan:скр.utsava** <байрам>**uusava :aranya** <биёбон>,**ranna**

Булардан ташқари охирдан олдинги бўғинда **к,г,ч,ж,т,д,п** товушларнинг қисқартирилиб йўқотилиши билан куйидаги икки вазият юзага келади:

**а)**икки кўшни бўғин бирлашади,унлилари уйғунлашиб:скр.yadrisha қайсики >**jeps** >**jeh>:скр.svarnakaara** «заршунос,заргар»,**sonnara:dviguna** «икки хил», **duun**.

**б)** туширилган ундош ўрнига айрим ҳолларда уа ёки ва товушлардан бири келиши мумкин,м-н,**sahakaara** «ёрдамчи» **sahyaar** .

Бурун димоғлаштириш (назализация) ва бурун димоғлансизлаштириш деназализация ходисалари ҳам пракрит даврларидан ривожланиб келмоқда:

Спонтан ёки эркин тарздаги назализация куйидаги мисолларда кузатилади: **pakshin** «қанот» **pankhi,vakra** «қийшиқ»,**bank**.Компенсацияли ёки эвазий тарздаги назализацияни бошқа мисолларда кўрамиз:**svayam** ,**sarpn,ahakam<суюқлик>,haun**.

Деназализация ҳодисаси эса бундай вазиятларда кўринади: **sinha**, <арслон>**sinh,vinshati** <йигирма> **bis**.

5) Яна боша ходисалардан унлилар товланиши (**vowel colorization**),м-н: **dhvani>jhuni** «товуш»**vidvas** «олим»>**vius:tiryak** «хайвон» >**tirichh:svarabhakti** яъни кўшма

ундошлар соддалашуви, м-н, **muurkha** «телба» > **murukha: krishna** «кришна» > **kasan:** эпентеза яъни қискартириш, м-н: **karya** > **ker** «иш, юмуш», **aashcharya** «хайрат» > **achchherey, padma** «нилуфар» > **rom.**

### Ундошлар тизимида

Гарчи сўзлар бошидаги бўғинда ундошларни сақлашга мойиллик бўлса-да уларни нафаслаштириш (аспирация) ёки нафассизлаштириш (де-аспирация) ҳодисалари юз беради. Биринчи ҳодиса **ki:lika:** «камон, ёй», > **khiliyaiN; jval** «ёнмоқ», «аланга олмоқ» > **jhaln'a** каби мисолларда, **kshubhit** «хаяжанланган» > **khuiy** > **kuhiy** каби мисолларда ва, қолаверса, перебраллаштириш деган ҳодиса ҳам кўзга ташланади, м-н, **stabdha** «>» > **ThaDDha; bhagini:** «сингил» > **bahin'i** каби мисоллар ҳам учрайди.

Худди шунга ўхшаб «йа» товушининг жаранглиланиши кузатилади.

Праkritларга ўхшаб, сўз охирида келган ундошларнинг редукцияси, жумладан: **krita** > **kiya** «келди»; **gaja** > **gata** > **gayā** «кетди».

Унлилараро ундошлар эса икки хил ўзгаришга юз тутадилар - баъзи холларда бутунлай редукцияга учрайдилар, баъзиларида эса нафасли ундошлар ўрнига **h** «х» товуши талаффуз этилади: **yogina** «йога аёл», **joi:** ; **ra:jan** «шоҳ» > **raa:** ; **chaturtha** > **chautha** «тўртинчи»; **sakhi** > **sahi** «божа», **di:rg** > **di:h** «узок, чўзик», **katha:** > **kaha:** «достон»; **shobha:** > **soh** «равнак».

Баъзан сўз ўртасидаги талаффуздан тушиб қолган ундош ўрнига хушоҳанглигини сақлаш туфайли «й» ёки «в» товушларидан бири қўйилади: **lochan** > **loyan** «кўз, қараш»; **bhu:t** > **bhu:v** «бўлган, бўлди», **udaddhi:** «океан, уммон» > **uvahi** ; **sapatna** «рақиб» > **sayatta.**

Мазкур асосий йўналиш билан бир қаторда ундошнинг йўқотилишидан кўра жаранглини ҳам учрайди, м-н, **a:gata** «келган» > **a:gado** ; **shapatha** «қасам» > **savadhu**; **saphal** «мувоффақиятли» > **sabhal.**

Айрим холларда ундошнинг сақланиши ҳам кузатилади: **achetan** «>» > **acheyan'** ; **ajita** «енгилмас» > **ajiya** ; ек «бир» > **ekku.**

Унлилараро 'm' товуши ҳам сақланиши, ҳам **nvaN** бирикмасига айланиши мумкин.

**kamala** «нилуфар» > **kaNval, kamal.**

Қўшма ундошлар эса апабхаранша тилларида қуйидаги тарздаги ўзгаришларга юз тутади: **ksha** > **kkha, kha, chha, chchha** - м-н, **pakshi:** «қуш» > **pa:khi:** (бенгал ўлкасида), **panchhi:** ; **tva** > **tu, pa,** масалан **tvam** 'сен' > **tuhuN, paiN; dva** > **ba** , масалан: **dva:dasha** «ўн икки» > **ba:rah; dve** > **be** 'икки', **dva:ra** > **ba:r** 'икки';

Shn'a > nha, масалан, kriShn'a > ka:nh; sma > mha, масалан, asmey «менга» > amha.

Пракритлар сингари T, d, n, r лар ўрнига апабхараншада l келиши конуният тусига кириб қолган, м-н, avartita > ora:li «тўхтаган», pradipta «ёритилган» > palitta;

nvni:ta «>» > lon'a, da:ridrya «³ашшоқлик» > da:lidda; «b» ёки «v» нинг ўрнига «m» нинг қўлланилиши, м-н, shabar, shavar «тоғли», samar; ya:vai «қандайки» > ja:m.

Булардан ташқари метотеза ҳодисаси, яъни ундошларнинг ўрин алмашинуви юз беради: va:ra:nasi «Банорас» > va:n'a:ra:si ; di:ragha: «узок» > di:har ; hrid «юррак» > draha.

Чўзиқ унлидан сўнг келган ёпиқ унлида ундошнинг мураккаблашуви ҳам кузатилади: ka:ch «хом» > kachcha; yu:th «пода» > juttha; Баъзан мураккаб ундошдан олдин келган қиса унли бурун-димолашиши мумкин, м-н, vakra > banki: «қийшиқ»; vayashya: «тенгдош аёл».

### **Морфологик хусусиятлар**

Апабхараншаларга хос аломатлар айнан морфологик жиҳатдан яққолроқ кўринади, чунки Ў.х.О.Т.ларга хос соддалашув ва бир қолипга тушириш конуниятларга ушбу тилларда ўзига хос янгиликлар қўшилиб, булар ўз ривожини Я.х.О.Т лар даврида такомиллаштириб борадилар.

Ў.х.О.Т.ларнинг хусусияти бўлмиш сўз охиридаги ундош қўшимчасининг редукцияга учраши кузатилиб, апабхараншада бу ҳолларда қисқа «а» қўшилиши юзага келади, жумладан, aatman «жон, рух» > app > appan' ; yuvan «ёш» > juva:n'a ; a:yush «ёш, умр» > a:yu > a:usa. Бу қоидадан истисно тариқасида қуйидаги мисоллар ажралиб туради: ra:ja:n'ah «шоҳ» > ra:ya:n'o; brahman'ah «браҳман» > banbha:n'ah.

«i» товушига охири келган сўзларда эса аор ёки «i», «i:» қўшимчаси келади, м-н, pitri «ота» > piyar; bhra:tri «ака-ука» > bha:yar, bha:i бҳа:йар, бҳааи; ma:tri «она» > mai: ; bhatri «эр, хўжайин» > bhata:r.

Апабхараншада аналогия ҳодисаси кўп жиҳатдан кузатилган ҳолда сўз охиридаги чўзиқ унлиларнинг қисқартирилиши одат тусига кириб қолади. Масалан, ru:ja: «ибодат» > ruja ; kri:Da: «ўйин» > ki:la; nisha: «тун» > nishi; katha: «достон» > kahi. Натижада, a, i, u қўшимчалар шакл белгилловчи қўшимчаларга айландилар. Барчасига «а» ловчи отларга қўшиладиган келишик ясовчи қўшимчалар бириктириладиган бўлган. М-н, асбоб келишигида, -eN - deveN «худо орқали» (³. сқр. devena), girieN «тоғ орқали» (сқр. girin'a:), mahueN «асал орқали» (сқр. maghuna:).

Бундай йўналишлар «род» белгисини яшаш тизимида ҳам ўз аксини топиб келади. Жумладан, мазкур қўшимчалар асосан музаккар отларни ясовчи бўлиб қолиб, муаннас отларга хос - «а:», «i:», «u:» қўшимчалари жуда ҳам сийрак ҳолларда учрайди.

Ўртанча (муханнас) роди эса апабхараншада умуман истеъмолдан чиқиб кетади.

Иккилик сони аллақачон пали ва пракритларда йўқотилган бўлади. Натижада унинг маъносини ифодалаш учун апабхараншада *dvi* «икки(та)» сўзи ишлатилади, м-н, *maddu kantehon dui dosra* «менинг ёримнинг икки айби бор», *dhanu dui* «иккита сигир».

Ўрта хотиллар давридан тортиб келишик ясовчи қўшимчаларнинг камаёиб бориши бошланган бўлиб, апабхараншага келганда уч хил келишиклар аломатлари сақланиб қолади. Биринчиси - бажарувчи (фоил), тушум ва мурожаат келишиклар шаклида мазкур қисқа унлилар билан келган отлар қўлланилади. Масалан: **putta** «ўғил» **dev** «маъбуд» отлардан **puttau**, **puttaun** ва **devau**, **devaun** каби шаклланади.

Кўпликда эса буларга чўзиқ унли қушилиши кузатилади. Жумладан: **kamalaran** «нилуфар»(ни) > **kamalaarn** «нилуфарларни»; **vaariin** > **vaariiin** «сув»(ни) > «сувлар»(ни); **mahuin** > **mahuuin** «асалга»(ни); > «асарларга»(ни). Истисно сифатида охири қисқа а га келган отларда чўзиқ а қўшимчаси қўлланилади, масалан: **churain** «ўғрига»(ни) > **chaoraah** «ўғриларга»(ни); **haariin** «мунчоқи»(ни) **haargaan** «мунчоққа»(ни).

Иккинчи гуруҳ бўлмиш асбоб ва ўрин-пайт келишиклариде апабхаранша тилида қуйидаги қўшимчалар ишлатилади: **n,un,he,hen,ahi,ehi,ehin,ina,hena**. Охири икки қўшимча **in** ва **un** лар билан апабхараншага пракритлардан ўтган эди, қолганлари эса апабхараншаларга хос бўлади.

Кўпликда келганда санскрит тилидаги **ebhiv** ва **asimat** қўшимчаларнинг аралашуви ва шаклан ўзгариши натижасида **hin** қўшимчаси юзага келади, **ehin** ва **ahin** босқичидан ўтиб.

Учинчи гуруҳ бўлмиш жўналиш ва қаратқич келишиклар шаклларида аналогия қонунияти апабхараншадан илгари содир бўлган эди. Бирлик шакллари асосан **ha,he,hu,ho** қўшимчалар орқали ясалади, м-н: **devahe,devahu,devaho,devaha**. «Маъбудга» «маъбуднинг»; **girihe** «тоққа,тоғнинг» Кўпликда эса **hu,hun,han** қўшимчалари ясовчи унсур бўлади, м-н, **devahun**, «маъбудга» «маъбуднинг», **girihun,girihan**, «тоғларга,тоғларнинг».

Апабхараншаларда яна бир муҳим қонунят шундан иборатки, асбоб, жўналиш, қаратқич бажарувчи ва тушум келишикларининг қўшимчалари баъзан тушириб қолиши намоён бўлиб, айрим кўмакчи сўзлар қўлланиб бошланади. М-н, асбоб келишик маъносини ифодалаш учун **sahun** ва **tan** кўмакчилари истеъмол илинади. Булар афтидан санскритча **saha** ва **sam** олд

кўшимчаларидан келиб чиққанга ўхшайдилар. Жўналиш келишигида **resi** ва **kehin**, чиқишда **hontau** ва **hont**. М-н, **tahaan, hontau, aagado**, «у ердан келди», қаратқичда- **ker, ker, keraa** (булар санскритда **kri** дан келиб чиққан), ўрин-пайт келишигида **thiu** (скр. **sthita** дан), **majgihi, majgihe** (скр. **madhye** дан)

### Олмош шакллари

Биринчи шахс кишилик олмошлар шакллари санскритча **ah-, ma** ўзаклардан ривожланиб келган шакллар. Жумладан, бирликда куйидаги шакллар қўлланилади: **haun** «мен» **maun** «мени», «мен орқали», **mahu, majjhu** «менга» «менинг», **maun, mahu, majjhu**, «менда»

Кўпликда **amhe, amhain** «бизни», **aphehin** «биз орқали», **amhaham** «бизга, бизнинг, биздан», **amhaasu** «бизларда».

Иккинчи ва учинчи шахс кишилик олмошларининг шакллари ҳам хилма-хил, м-н, **tuhun**, «сен», **tau, tujh, tudhr**, «сенга, сенинг, сендан».

Кўрсатувчи олмошлардан санскритча **etad, idam** лардан келиб чиққан **eh** ўзағидан ясалган шакллар.

### Саволлар

1. Апабхаранша тилларига изоҳ беринг.
2. Уларнинг даврланиш муаммоси нимадан иборат?
3. Бу масалалар қандай асарларда аксини топган?
4. Шу тиллар худудлари қаерда?
5. Апабхараншаларнинг қандай кўринишларини биласиз?
6. Абхира Кабиласи хусусида изоҳ беринг.
7. Ушбу тилларнинг фонетик хусусиятларига изоҳ беринг.
8. Морфологик хусусиятларига изоҳ беринг.

### Адабиётлар

1. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. Т., 2003
2. Чаттержи С.К. Введение в индоарийское языкознание М., 1977
3. Захарьин Б.А Введение в историю языка хинди, М., 1978
4. Udaynarayan Tivari, Hindi bhasha ka udgam aor vikas, prayag 1954

### **Бешинчи маъруза.**

**Оралик даврдаги тиллар ва янги ҳинд орий тилларининг юзага келиши.**

Маъруза режаси:

1. Ушбу даврда яратилган асосий асарлар.

- а) Саннехайрасайа
- б) Пракританейнгалам
- в) Варнаратнакара

### **Таянч иборалар.**

Оралик давр	Викрамадितья тақвими
соф унли	ўрин-пайт келишиги
асбоб келишиги	ярим ундош
унли қисқариши	эвфоник
ундошлар соддалашуви	унли чўзилиши
фарқловчи белги	халқ тили
аналитик	феъл ўзаги
товуш кучсизланиши	унлилараро
орт кўмакчи	жўналиш келишиги

12 асрда тилшунос олим Хемачандра ўзининг «Кавьянушасан» саҳифаларида (ёхуд қишлоқлардаги апабхаранша) тилини тилга олиб, ўша даврда адабий апабхараншалар билан ёнма-ён оғзаки сўзлашув тилларининг мавжудлигини қайд қилади.

Бинобарин 13 асрдан тортиб 15 асргача бўлган вақт худудларини, қачонки оралиқ тил кўринишлари юзага келиб, ривожраниб борар экан, яъни ушбу вақт масофаси «оралиқ давр» деб тан олинади.

Бу даврга тегишли бадиий манбалар ўша оз ва тарқоқ бўлгани туфайли бунинг тил хусусиятларини ўрганиш ҳам амри маҳол. Шу аснода турли хил кўринишларда шаурасений апабхараншанинг озми-кўпми ўтказилаётган таъсири яққол намоён бўлади. Ўша давр юзасидан қуйидаги манбалар мавжуд - 1) «Саннехайапарасайа» (ёхуд «Сандешрасак»). 2) «Пракритапэйнгалам», 3) «Пуратанпрабандҳасанграха», 4) «Уктивйактипракаранам», 5) «Варнатнакара», 6) «Киртилата», 7) «Чарйяпад» ва 8) «Гйянешвари». Булар ўз навбатида ўша даврдаги турли ўлкалар тилларини акс эттиради, жумладан, 1), 2) ва 3)чилари шимоли ғарб тилларини акс эттирса, 4) чиси авадхи шевасини ҳозирги худуди бўлмиш Косала ўлкасини ва 5), 6) ҳамда 7) чилари шарқий ўлкаларнинг инъикоси бўлса, 8) чиси Маҳараштра ўлкасининг тилини ифода этади.

Ушбу манбаларни қисқача таърифлаганда, қуйидаги маълумотларни берса бўлади:

#### I. «САННЕХАЙ РАСАЙА»

(1) «Саннехай расайа» муаллифи Аддахаман (яъни Абдурахмон). Бу асар Бомбей шаҳрида «Бхаратий Видйябхан» нашриётида Муни Жинвиджай таҳрири остида «Синдхижайн грантхмала» туркумидаги 22 жилдда чоп этилган. Асарнинг асосий мазмуни бир ёридан фироқда қолган қизнинг кўчадан кезиб ўтаётган йўловчи орқали севгилисига мактуб юбориши ва шу муносабат билан ўзининг хис-туйғуларини турли мавсумларда товланишини сўзлаб беришидан иборатдир. Гарчи муаллифнинг яшаш жойи ҳақида бирорта маълумот асарда кузатилмаса-да, баъзи бир ишоралар учраб қолади. Жумладан:

Pachchaesi padduon pubb pasiddho ya michchhadesothi.  
Te bise smbhuo aardo mirsensta.

Яъни ҳиндий тилидаги унинг таржимастга кўра pashchim deshон main purv kaal se bhut prasidh jo malechchh desh he, vha julata marisen utpann hua. - «Ғарбий ўлкасида азалдан машҳур бўлган «Млеччха» деган жойда Мирасена деган тикувчи туғилган эди».

Te tno kulkamlo paiy kavvesu giyvisyesu.  
Ademaan prasiddo sannehay-rasiyan raiyan.

яъни ҳиндийчасига - uske prakrit kaviyon evam gitvishayon me prasidh uskeputr addahmaan ne snniday - rasya (sandeshak-rask) ki rachna ki thi.

Демак, пракритча шеърлари ва кўшиқлари билан донғи кетган унинг ўғли Абдурахмон Саннеҳай - расайяни ижод этди.

Муаллифнинг эътирофига мувофиқ, бу асар ўша тоифа олдида ижро этилиши лозим - дегандан шу хулоса чиқадики, асарнинг тили санскрит, пракрит ёки апабхаранша бўлмаган у оддий халқ тилида яратилган. Асарнинг яратилиш санаси Викрамадিত्या тақвими бўйича 1175-1225 йилларга тўғри келади.

Товуш ва сўз шакллари ривожланишидан келиб чиққан ҳолда бу тилнинг асосий аломатлари апабхараншаларга нисбатан унчалик ўзгармаган кўринади.

Биринчидан, сўзлар охиридаги бурун-димоғли унлилар ўрнига соф унлилар келади. М-н, асбоб ва ўрин-пайт келишиклари кўшимчаси **hiN** ўрнига **hi**, ўртанча род (муханнас) отлар бош келишикда келганида **ai:N** ўрнига қисқа **ai** кузатилади. Иккинчидан, кўп сўзларда қисқа **i** товуши ярим ундош **u** га айланади. Жумладан: **kevaу** дан (>скр. **Ketaki** вир гулнинг номи-ҳозирги ҳиндийда **kevr'aa** ) , **viuyaha viui** дан (>скр.**viyogi** «ажралган»)

Учинчидан, ёпик бўғинларда кўпинча «а» товуши «i» га айланади. М-н, **sasihar < sasahar** дан (<скр.**shashadhar** «ой») ; **daggira < daggat** дан (скр.**gadgar** «хурсандчилик,қувноқлик»)

Баъзан бундай вазиятларда «а» «i» га айланиши мумкин. М-н, **anjuli < anjali** дан (скр.**anjali** «кафт,беш панжа»).

Тўртинчидан, аксинча қисқа **i** товуши **a** га айланиши ҳам мумкин. **vivah < vividh** дан (скр. **vividh** «турли»), **gharn'iy < скр. gridhiniy** «уй бекаси» дан. Ёки **i a** га ҳам айланиши вазиятлари ҳам учрайди. М-н: **kusam < скр. kusum** «бир гулнинг номи».

Бешинчидан, ёпик бўғинларда унлиларнинг қисқартирилиши ҳам кўзга ташланади. М-н, **sijja < sejja:** (<скр. **shayya:** «ёрин,» «тўшак»).

Олтинчидан, - тарихий ривожланиш жараёнида кўшни бўғинлардаги унлиларнинг бирлашуви ундошларнинг ғойиб бўлиши натижасида юзага келади. М-н, **sunnaat < заршунос**»(ҳиндийда **sunnar**)<**sunnaaar** < скр.**svarnaakaara**.

Еттинчидан, юкорида унлилар орасида узилишни бартараф этиш жараёнида эвфоник «u» ёки «v» товушлари орага туширилиб талаффуз этилади. М-н, **rayavar <kaavar<kavivar** «шоир»ёки **ruvai < ruai<rudati** «ийғлайди». Бунга аксинча бўлмиш мисоллар ҳам кузатилади, м-н, **bhaiyai <ҳиндий тилида bhaviyai <скр.bhavyate** «ҳис этади,ҳис этилади».

Саккизинчидан, ундошлар тизимида ҳам ўзгаришлар юзага келган бўлиб, «s» > «h»га айланиши, жумладан **dah** < **das** <скр. «dash», «ўн», **diyah** <скр. **divas** (кун), **sannehay**, **sandesak** <скр. **sandeshak**.

Тўккизинчидан, қўшма ундошларнинг соддалашуви куйидаги мисолларда кўрилади: а) **jva** > **jha** ёки **b** ва га **-jhal** <скр. **javaala** «олов, аланга», **balai** <скр. **javalaati** «ёнади»; б) **lha** > **lla** в) **shcha**, > **chcha**, м-н, **achchariya** <скр. **aashcharya** «хайрат» (хиндийча **ahataj**).

Ўнинчидан, бундай ходисаларга эргашган ҳолда ўша товушлардан олдин келувчи унлининг чўзилиши намоён бўлади, масалан **u:sa:s** < **ussa:s** < **ucchva:s** «оҳ тортиш»; **disai** < **dissai** < **drishyate** «кўринади».

Ўн биринчидан, санскритча сўзларнинг тарихий ўзгаришларга юз тутишида сўз охиридаги ундошлар билан қисқа «а» товуши келганида, ушбу ёднома тилида қўшма ундошларнинг ёки оддий ундошларнинг ўзгариши натижасида чўзиқ «аа» ёки «ii» товуши пайдо бўлади. Масалан: **tuN** (**tuu**) < **tuvaN** < скр. **tvam** «сен»; **doha:** < **doha'a:** < скр. **dodhaka** «байт, икки сатрли шеър»; **dinti:** < **dinti** < скр. **dadati:** «берди».

Энди морфологик хусусиятларга келсак, муаннас отларнинг фарқловчи белгиси сифатида уч хил қўшимча қўлланилади: - **iy**, -**i**, -**ii**, булардан ташқари қисқа «а» билан келувчи ундош ҳам қўлланилади, масалан, **karantiy**, **karanti**, **karantii** ва **karant** «қилади».

Шуни алоҳида қайд қилиб айтиш керакки, музаккар ва муаннас отлар орасида ҳеч қандай морфологик (шаклий) фарқ кузатилмайди. Маълумки, ҳозирги ЯхОТ лардан фақат маратҳий, гужаратий ва конканий тилларидагина муханнас отлар фарқланиши мумкин.

Род алмашиш ходисаларини эса тарихан куйидаги сўзларда кузатса бўлади: **jhup'i** «товуш» - муаннас, ваҳоланки скр. олдинги шакли **dhvani** музаккар бўлган, ёки **deh** «тана, жусса» муаннас бўлса, санскритда бу сўз музаккар бўлган **deha** шаклида.

Ушбу ёднома тили ҳозирги Я.х.О.Т. га яқинлашувини илгариги келишик ва сон аломатларининг йўқотилиши ходисасига мувофиқ англаса бўлади. Масалан, **virahggi dhum lapan savanu**, «фироқ ўтининг тутуни билан кўзларнинг оқиб кетиши» (скр. **virahaagindhumet lochansravanam**).

Феъл шаклларида шахсли шаклларида ясалган ҳозирги оддий замон, буйруқ майли, келаси замон, шахссизлардан ҳозирги замон сифатдоши, ўтган замон сифатдоши, герундив, абсоматив ва иноритив шакллари учрайди. М-н, ўтган замон сифатдоши - **iy**, **iyau**, **ii** қўшимчаларни феъл негизига қўшиш орқали ифодаланади. М-н, **huiy** (хиндийча **hui**) **tuttii** (хиндийча **TuTi** «синди», муаннас).

Абсолютив шакли **karī** сўзининг феъл шакли билан бирикувидан ясалади, масалан: **virah** - **huya:si dehavi karī** «фироқ ўтида ёниб» - бу

шакл ҳозирги хиндийда қўлланувчи kehkar «айтиб», khakar «еб» каби шаклларнинг илгариги кўриниши ҳисобланиши мумкин.

Қолаверса, ушбу ёдномда матнида бўлғуси орт кўмакчилар учун пировардида асос солган шаклларни кўриш мумкин. Жумладан, satthihi < sath < sa:rth; satthihi «билан, биргаликда» (ўрин-пайт келишиги) ҳозирги хиндийда sa:th орт кўмакчиси учун, sam,sau ҳозирги se кўмакчиси учун, mahi «да» (масалан maп'mahi - ўз ичида кўнглида).

Шундай қилиб, бу асар тилида бўлажак ғарбий хиндий, гужратий ва ражастханий тилларининг аломатларини кўрса бўлади.

## II. «Пракритапэйнгалам».

Бу асар шеърятга бағишланган бўлиб, бунда С.К. Чаттержий таъбирига кўра 900-1400 йиллар мобайнида яратилган асарлирдан намуналар келтирилган, ҳаттоки пракритда битилган сатрлар ҳам бор. Оралиқ даврни акс эттирувчи парчалар ҳам мавжуд. Жумладан, қуйидаги:

dholla ma:ria dilli mah muchchHia mechchH sari:r .

(яъни хиндийда dhol mara (baja:ya:) dilli me (to) mu:rchit hua: mlechchH sari:r - яъни Дехлида дўмбара чалинди-ю душманнинг кўнгли озди).

Pu:r jajjla mantivar chalia vir Hammi:r .

яъни pu:r (aage kar) jajjal mantrivar (ko) chala vi:r Hamir.

Яъни олдинга қараб вазир олдига борди қахрамон Хамир.

Бундан кейин эса берилган парчаларга эътибор берсак, шундай авадий шевасининг хиди уфуриб келади:

sou uydhishtir sankar pava.

Devaka likarva kon bheta.

Шундай қилиб Юдхиштра инқирозга учради.

Девака ёзганини ким ўчирди.

## III. Пуратанпрабандхасанграха.

Бу асар аслида фольклор жанридаги таркоқ турли парчалар тўплами бўлиб чиқади.

Ундаги матнлардан шуниси аниқланадики, бу тилда ражастханий, браж, кхари боли ва бошқа шеваларнинг ханузгача ажралмагани аёндыр.

## IV. «Уктивйакти пракаранам»<sup>1</sup>

Бу асар Каши ва Каннавж ўлкалар тождори Говинд Чандр (1114-1155) саройида паноҳ топган олим Дамодарнинг асаридир. Уни яратишдан

<sup>1</sup> Бу асар Бомбейдаги «Бхаратий видьябхаван» нашриётида Муни жайн Вижай тахрири остида «Синдхи Жайн грантхмала» рукнидаги 39 жилдда нашр этилган.

мақсад шахзодаларга маҳаллий халқ тилини ўқитишдан иборат эди. Шунга кўра «укти» сўзи ўша «халқ тили» дегани бўлса, «вйякти» «муҳокама, мулоҳаза» деганидир. Баён ёки изо тили, албатта, санскрит бўлган. Мазкур халқ тилини муаллиф «апабхаранша» ёки «апабхарашт» деб таъбирлашидан маълум бўладики, 12 асргача ҳануз браж, ражастҳоний ва авадҳий танилмасдан, бутун шимолий ҳиндистонда «апабхаранша» ёки «апабхарашт» номи билан умумий тил юритиларди. Бу асарни таниқли олим С.К. Чаттержий чуқур ва атрофлича тадқиқ этган.

Бу ёдномлада ўз аксини топган қуйидаги тил хусусиятлари намоён бўлади:

1) Сўз охирида келувчи чўзиқ унлилар қисқариши, жумладан, a:ka:Nksha: «иштиёқ» > a:ka:Nkx; lajja: «уят» > la:j ; goḡu:p «сигир кўринишли» > goḡu:

2) Эски бурун димоғли ундошлар ўрнига унли товушларни бурун димоғли тусга айлантириш ходисалари:

скр. gra:ma 'қишлоқ' > ga:vuN ёки ga:uN, пракрит vibha:n «порлоқ» > viha:nahi > viha:nnahi. Бу қоида сўз охиридаги қисқа унлиларнинг бурун димоғлинишига ҳам таъсир қилади, масалан, sabahi «хаммага» > sabahiN.

Кўшма ундошларнинг соддалашуви одат тусига кириб қолиши ҳам кузатилади. Масалан: скр. bhakta «мўмин банда» > bhatta > bha:t; rakva «пишшиқ, пишган» > rakka > ra:k; mitra «дўст, оғайни» > mitta > mi:t.

Морфология жиҳатидан қараганда шу ёдномлада баъзи бир замонлар шакллари кузатилади. Жумладан, ҳозирги замон шаклида фонетик ўзгариш бўлмиш **ai** ёки **ei** товушининг **a** товуши билан алмашинуви натижасида феъл негизига қисқа **a** қўшимчаси сифатида қўшилиши таъкидланади. Масалан: скр. paThati «ўқийди» > paRhai > paRha ; shobhate «безайди» > sohai > soha. ҳозирги ЯҳОТларда эса бундай шакллар «еу», «ае», «е» ва «еi» ёрдамида ясалади. Ваҳоланки, 15-16 асрларда авадҳий асарларида шундай шакллар «a» қўшимчаси ёрдамида ясалган эди.

Бундан ташқари муаннас отларнинг аломатлагрига келганда қисқа **i** ёки **i:** асосий аломат ҳисобланади. Масалан, роTali «тугунча» (скр. роTalika: ; хиндийча роT'li: «тугунча»); роthi: «каттакон китоб» (скр. рустika: ; хиндийча роtha:, роthi:).

Типологик жиҳатдан қараганда шу асар тили флектив тузумдан аналитик тузумга қараб ўзгаришини кузатамиз. Жумладан, орт кўмакчилар кўпайиши бунга мисол бўла олади. Тушум ва жўналиш келишигида kih, kehan, kinh; чиқиш келишигида tao, paas, saun, seuN ; ўрин-пайт келишигида maajh ёки maandjh, қаратқич келишигида kar, ker.

Феъл ўзаклари масаласида шуниси кўриниб турибдики, бу ерда тадбхава турдаги ўзаклар билан бирга татсама ёки ярим татсама ўзаклари

хам бевосита қадимги тиллардан ўзлаштирилган. Масалан: jaam «туилмоқ» < скр. janma дан; ghin «нафратланмоқ» < скр. ghrin'a: «нафрат» сўзидан. Тадбхава ўзакларга мисоллар : aachN, rah, ho «бўлмоқ».

Санскритча сўзлар жуда кўп миқдорда учраб экан, араб-форс манбаларидан келиб чиққан бир неча сўз ҳам мавжуд экан.

#### V. «Варнаратнакара»<sup>2</sup>

Бу асар шоирлар тазкираси тарзида 14 асрнинг биринчи ярмида яратилган деб айтилади. Муаллифи жйотишвар Тхакур митхила ўлкасининг Харсинх Дев номли тождори саройида яшаган.

Бу асар демак, мейтхили шевасида ёзилган ва бизгача етиб келган энг қадимги ёзма манба ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу ёдномда тилида бенгал ва бошқа шарқий ЯхОТилларининг жумладан, божпурий ва магадхийларнинг аломатлари кўзга ташланади.

Фонетика юзасидан қараганда ундошларга хос хусусиятлардан авваламбор санскритча сўзлардаги *ksha* қўшма ундошлари «kkha», «kkhya» ёки «chHa» товушларига айланади. Масалан: скр. an'grakshak «соқчи» > «an'grakhak»га айланади; скр. ksha:ra «шўр» > khya:r га ; kshi:ra «сут» > khi:r га; dant-kshata «тиш билан яраланган» > dant-chHa: га .

Нафасли ундошлар қаторига янги товушлар қўшилиши «nha», «lha», «mha» ларнинг, масалан : kanh «Кришнанинг лақаби» < скр. krishna дан; kolha «тўнғиз» < скр. пракритча kolla < скр.kola; unhasaiteN «жимжимадор», «ярқираётган» < ulhasaiteN < скр. ullasa.

Церебрал d' ва r' ўрнига «l» товушининг талаффуз этилиши кузатилади, масалан, bya:d'i « урғочи илон» > bya:li ; скр. prati:ha:ra «дарвозабон» > rad'iha:r > paliha:r.

Унлилараро ундошлардан «v» - «m» ларнинг ўзаро алмашуви кузатилади. Масалан: revant «күёш худосининг ўғлларида бири» > remant ; скр. yavanika: > «сахнадаги парда» - javaNnika: > yamanika:; скр. kardam «лой» > kadav > kadavaN.

Унлиларга хос жараёнларда қуйидаги ходисаларни кўрамиз:

- 1) Сўзлар охирида келувчи қисқа «a» товушининг кучсизланиши кузатилади. Масалан : pa:ta:l aisat duhpravesh «дўзах шундай даҳлсиз»; stri: ka charitr aisat durlaksh «аёлнинг муамадаси шундай кўримсиздир»; шунда kaisat aah «қандай айтди» билан ёнма-ён «kaisna:ha» ҳам учрайди.
- 2) Чўзиқ унли қисқариши эса сўзнинг бошидаги урғусиз бўғинларда келиб қолиши мумкин. Масалан: kankaTa: «қулоғи кесилган» < ka:nkaTa: «дан»; raja:es «шоҳ ўлкаси» < скр. «raja:desha» дан.

<sup>2</sup>Бу асар С.К. Чаттержий ва Б. мишралар тахрири остида чоп этилгани маълум иилинади.

3) Кўшни бурун димоғли ундошлар таъсирида чўзик бўлиб қолган унлига бурун димоғли тус берилиши мумкин. Масалан: скр. *kaṇṇ'a* «қулоқ» > *kaan* > *ka:Nn*; *ba:ndhal* «боғланган» > *ba:Ndhal*.

Морфологик хусусиятларга мурожаат қилсак, бу ерда келишик кўшимчалари ўз кучини йўқотиб, орт кўмакчиларга асосий вазифавий урғу тушадиган бўлади. Жумладан, асбоб келишиги маъноси **sang, saova, saN, tah** ва қаратқич келишиги учун **ka** орт кўмакчилари қўлланилади.

Феъл тизимида ўтган замоннинг ясалиши «la» <sup>3</sup>қшимчаси ёрдамида амалга оширилади, масалан: *chalala* «кетди, жўнади», *kaili* «қилди».

Шу тизимда аналитик шакллар ҳам талай миқдорда учрайдиган бўлди: *hoite achN* - «бўлиб тур», *chala achthi*: «юриб турарди».

Майтҳилийнинг ҳозирги кўринишига қараганда ушбу ёднома тили анча оддий кўринади. Унда татсама сўзларидан ташқари арабча-форсча ўзлашмалар ҳам мавжуд.

#### VI. «Киритилата»

Бу асар аралаш шеърий ва насрий тарзда яратилган бўлиб муаллифи майтҳилий шоири Видьяпати ҳисобланади. Бу шахс 14 аср охири ва 15 аср бошида яшаб ижод этган. Шу асарнинг тилини у «авахатҳа» деб атаган. Услуби жихатдан ёндошганда унинг тизимида «адабий апабхаранша» ва пракрит аломатлари ҳам жуда кўп бўлиб, уни адабий апабхаранша билан халқ тили қоришмаси деб тан олишади.

#### VII. «Чарйяпад»

Бу асар Сахажийя мазҳабининг 47 шеърдан иборат бўлган муштарак мажмуий асаридирки, буни Харпрасад Шастри исмли олим Непал худудларидан тонган. Бу асарнинг битилган пайти баъзи таҳминларга кўра 12 аср, бошқаларга мувофиқ 14 асрнинг охири деб таҳмин қилинмоқда.

Айнан тил хусусиятларига тўхталсак, булар кўпинча бенгал тилига тегишли айрим аломатлар борлигидан далолат бермоқда. Жумладан, жўналиш келишигида - *re* кўшимчаси, қаратқичда -*er*, --*ar* ва ўрин-пайт келшигида -*ta*; орт кўмакчилардан *maaNjh*, -*antar*, *saaNg* ; феъллардан *aachN* «бўлмоқ», *thaak* «чарчамоқ» ; ўтган замон шаклларида - *ila*, *iba* кўшимчалар орқали ясаладиган шакллар; ҳозирги замон сифатдош шаклларида - *ant* кўшимчаси билан ясаладиган шакллар, мажхул нисбат ясовчи - *ia* кўшимчасини ҳам назарда тутиш керак.

#### VIII. «Гйянешвари»

Бу асар авлиё Гйянешварнинг «Бҳагаватгита» юзасидан халқ тилида яратган шарҳларидан иборат. Бу таҳминан 13 асрда тузилган, ваҳоланки унинг асл қўлёзма нусхаси ханузгача топилмаган. У ҳақда фақат уч юз

йилдан сўнг авлиё Экнатх тузатиш киритган нусхадан дарак топилади. Шунинг учун бу асарнинг ҳақиқий тил услуби қандай бўлганлигини билиш қийин. ҳаттоки, машҳур олим ҳаринарайдан Апте унинг ҳақиқийлигини гумон остига олади ва бунинг тили ҳозирги маратхийга яқинлигини кўрсатади.<sup>3</sup>

#### **Умумий хулоса.**

У.С. сифатида мазкур ёдномалар тили кўпчилик ҳолларга қараганда, унинг қаерда жойлашганидан қатъий назар «авахатта» деб аталиши лозим.

#### **Саволлар:**

- 1. Бу мавзунинг умумий жиҳатларига изоҳ беринг.**
- 2. «Саннехайрасайя» асарига тавсиф беринг.**
- 3. «Пракритапейангалам» асарида нималарга эътибор берилган?**
- 4. «Варнатнакара» асари ҳақида нималарни биласиз?**
- 5. Қолган асарлардан қайси бирларини биласиз?**

#### **Адабиётлар.**

- 1. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш.Т., 2003**
- 2. U.N. Tivari, Hindi bhasha ka udgam aor vikaas, prayog, 1950.**

#### **Олтинчи маъруза.**

**ҳиндий тили фонологияси тарихи.**

#### **Маъруза режаси.**

- 1. Тарихий жараёнларнинг ҳиндий тили фонологиясида акс эттирилиш.**
- 2. Бурун - димоғли товушлар ривожланиши.**

---

<sup>3</sup>Н. Apte, Wilson Philological Lectures on marathi page 73-74.

3. Унли бурун - димоғли товушларнинг келиб чиқиши.
4. Ундош товушларга тегишли тарихий жараёнлар.
5. Чатишган ундошларга боғлиқ тарихий ўзгаришлар.

### Таянч иборалар.

Деванагарий	меёрий тил
ўта қисқа	бирикма
бўғин	тишли
авадҳий шеваси	бўғиннинг бўлиниши
арабча-форсча сўзлар	сирғалувчи
инглизча сўзлар	позиция
бурун-димоғли	нафасли
браж шеваси	товуш тушиши
портловчи ундош	церебрал
ярим ундош	церебраллашув
локал қатор	жарангсиз
урғусиз	жаранглилашув
шивирловчи	интервокал
лаҳжа	чўзилиши
санскритча сўзлар	чатишган ундошлар

ҳиндий тилининг ҳозирги замон шакли фонологик жиҳатдан деванагарий алифбоси орқали ифодаланиб келса-да, шунда ҳам бази бир кўшимча аломатлар ҳам турли тилшунослар томонидан киритилган. Жумладан, ҳозирги адабий ҳиндий учун қуйидаги аломатлар қўлланилади:

Унлилар:

Қисқа - **a, aN, i, iN, u, uN**

чўзиқ - **a:, i:, u:, e, o, e: ao**

Деванагарий алифбосида юритилган *ri*, *lii* ва *rii* товушлар эса ҳиндийча талаффузда кузатилмайди. Масалан, санскритча сўзларда ёзилган *ri* аслида *ri* деб талаффуз этилади, зеро бу аломат жоиз эмасдир.

sparsh	k	kh	g	gh	n,		kanTHavya
ghrishTHya	ch	chH	j	jH	n:		ta:lavya
	T	TH	D	DH	n'	DuDH	muddHanya
sparsh	t	tH	d	dH	n	nH	dantya

	p	ph	b	bH	m	mH	dvayoshTHya
jhardHsvar	y	v	r	rh	l	lH	pa:rshvavik
	s	sh	h				
				lunTHi t	atu	anuna:si k	
					na:sik	mahapra n'	h,kh,g',sh,s, z, f, v
					adya- pran'		sangHarshi:

Ушбу жадвалга изоҳ сифатида қуйидагиларни берса бўлади. Биринчидан, «п:» ундоши фақат санскритча сўзларда қўлланилади, аммо хиндийнинг ўзида кузатилмайди. Зеро, санскритча сўзларда sasnkrit «санскрит тили», **chanchal** «эпчил, шаддод» сўзлари аслида **санкрит** ва **чанчал** тарзида талаффуз этилади.

Иккинчидан, худди шундай «n'» ундоши **pan'dit** «<sup>3</sup>имишли одам» сўзида оддий «n» шаклида келади, масалан, pandit.

Учинчидан, унлиларга эътибор берсак, ўта қисқа **aN** асосан урғусиз ҳолдаги оддий қисқа «a» товушининг кўринишидир. Масалан, **rtaN** «марварид» сўзида (санскритча) **Rtn** иккинчи бўғинда келувчи А ўрта қисқа таллаффуз этилиб, **aN** аломати билан ифодаланади, жумладан «**rtaN**». Худди шундай ҳолат «**jtān**» «**қийноқ**» (санскритча **yatan**) аслида «**jtāN**» бўлиб кўрсатилиши лозим.

Тўртинчидан, қисқа **i** товуши умуман ҳиндшунослар томонидан «**шивирловчи товуш**» деб таърифланади ва кўпинча авадҳий шевасида кўпроқ қўлланиладиган товуш тарзида кўрсатилади. Масалан, **a:vat.i** «келаяпти», **ja:t.i** «кетаяпти».

Бешинчидан, қисқа **u** товуши ҳам юқоридагидек «**шивирловчи**» тарзда кўрсатилади. Бу авадҳий шевасининг ғарбий лаҳжасида **a:vat.u** «келаяпман», **ja:t.u** «кетаяпман» каби шаклларда кузатилади.

Олтинчидан, қисқа **e** товуши талаффузи пайтида тил танглайнинг ўртасига қараб кўтарилади. Бунга ҳиндшунослар фақатгина битта мисол келтиришади: **ekraṅ** «икрор».

Энди тарихий жиҳатдан қараганда юқорида кўрсатилган товушларнинг кўпчилиги, айниса, ундошлар (булардан **ei,ao, aN,iN,uN, n:, nh, mh,lh,R, RH** истисно бўлади) қадимги даврлардан сақланиб келинган товушлардир.

Янги шаклланиб келган товушларга келганда, булар **e, u, ao,R,RH, nh,mh, lh** лардир.

Сўнгра арабча-форсча сўзларда келган товушлардан **қ,kha,ғ, z,f** - булар ҳам янги ҳисобланади.

Инглизча сўзларда келадиган **aN** товуши ҳам диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, арабча-форсча ва инглизча сўзлардаги товушларни фақат шахарли, ўқимишли тоифаларигина тўғри талаффуз қила оладилар.

Юқорида кўрсатилган товушлар тизимида санскритча аломатли «**sh**» товуши ҳам берилмагани шундаки, унинг талаффуз этилиши оддий **sh** дан фарқ қилмайди, яъни **kashT**, ( ) **krishak**

( ) каби сўзлар каш( ) ва кришак ( ) шаклида талаффуз қилинади.

Умуман олганда, Дх.Варма фикрига қараганда, **aN, eN, aoN, iN, uN, n:, rha, lha** товушлари адабий меъёрий тилда учрамасдан кўпинча шеваларда учрайдилар.

### Бурун - димоғли товушлар ривожланиши.

Булар қадимги даврларда бирикмаларда қатнашиб келган товушлардан ривожланиб келган. Масалан, санскритча, а:mg - «**манго**» сўзидан ҳиндийда **a:Nv** ёки **a:m** деган сўзлар чиқиб келиши натижасида, ёки масалан, санскритча **madhye** «ўртасида» сўзидан **meN** ёки **myate** деган шаклларнинг тарихий ривожланиши натижасида пайдо бўлишида ҳам бу ҳодиса ўз ифодасини топади.

Бу ерда баъзи бир бурун-димоғли товушлар хусусида шуни айтиш лозимки, **uN** товуши сўзнинг бошида ёки охирида келмасдан, унли билан бирикмада ҳам келмайди. Унинг асосий қўлланилиши орқа қатор товушлари билан бирикиб келишидан иборат бўлади. Масалан, **ank** «сон, номер, қисм, бўлак» **kandhya** «тароқ», **bu:ng** «шўх, қитмир».

**n:** товушига келганда юқорида таъкидланганидек, адабий ҳиндий тилида бунинг ўрнига тишли **n** товуши келади. Асл талаффузда эса браж шевасида **nan:** «йўқ, эмас», **sa:n:** - **sa:n:** «хуштак овозига тақлид» каби сўзларда учрайди. \_\_

### Унли бурун-димоғли товушлар келиб чиқиши.

Юқорида айтилганидек, санскритча сўзларда илгари бурун-димоғли ундошлар бўлган ҳолда пировардида товуш тушиши юз бергандан сўнг ҳиндий тилида бурун-димоғли унлилар шаклланиб келади. Масалан: санскритча, **kanTak** «тикан» ўрнига ҳиндийда **ka:nTa:** сўзи шаклланади. Худди шундай ҳолат қуйидаги мисолларда кўринади:

скр. **kanpat** «қалтираш, қалтирамоқ» - ҳиндча ka:npa:

скр. **pantrishat** «ўттиз беш» - ҳиндча peynti:s

скр. **chandr** «ой» - ҳиндча bhonra:  
скр. **svami** «ари» - ҳиндча sa:i:  
скр. **bhu:m:** «ер» - ҳиндча bhu:

Шу билан бирга тасодифан бурун димоғли унлилар шакилланиши ҳам кузатилади, масалан:

скр. **ashri** «кўз ёши» - ҳиндча a:su:  
скр. **Shva:s** «қайнона» - ҳиндча sa:s

Булардан ташқари ҳиндий тилининг турли шева ва лаҳжаларида учраган ҳодиса бу қадимги санскритча сўзлардаги бурундимоғли ундош ўрнига бурун димоғли унлилар шакилланишидир. Масалан:

скр. **ra:m** «Рам шох» - ҳинд шакиллари ra:m  
скр. **hnu:ma:n** «хануман» - ҳинд шакиллари hnu:nma:n  
скр. **mha:ra:j** «буюк шох» - ҳинд шакиллари mnha:ra:j

#### **Ундош товушларга тегишли тарихий жараёнлар.**

Сўзлар бошида келган ундошлар Бизнинг хулосаларига кўра<sup>1</sup> кўпчилик ҳинд - оврўпо тилларига хос қонуниятга бўйсунган ҳолда деярли ўзгармайдилар. Масалан:

скр. **kokl** «каку куши» - ҳинд. Koyal  
скр. **nagn** «яланғоч» - ҳинд. Nanga:  
скр. **rodan** «ийғламоқ» - ҳинд rona:  
скр. **hasta** «қўл» - ҳинд ha:th

Бунга қўшимча сифатида бошқа вазиятларда сўз ўртасидаги «Н» ёки церебрал товушлар таъсирида сўз бошида келган ундош нафасли товушга айланади, жумладан:

скр. va:shp «буғ» - ҳинд bha:p  
скр. Grih «уй» - ҳинд ghar

Шундай вазиятларда баъзан сўз бошида келувчи «d» товуши церебраллашуви мумкин:

скр. dansh «тишламоқ» - ҳиндча Dasna:  
скр. dah «кўра олмаслик» - ҳинд. Da:h  
скр. dul «қимирламоқ» - ҳинд. Dola: «тахтиравон»

Сўзлар ўртасида қуйидаги ўзгаришлар юз бериши мумкин:

а) жарангсиз ундошлар жаранглашувга юз тутиши кузатилади:

<sup>1</sup> Beames, Comparative Grammar of the Moderu Aryan Languages of India (Part 1, 1872), p3-4.

<u>санскритча</u>	<u>хиндийча</u>
<b>sha:ka:ha:ri:</b> «кўкатлар билан кун кў- рувчи, вегетариан киши»	<b>sa:g</b> «кўкатлар, сабза- завотлар»
<b>kunjik</b> «калит»	<b>kunji:</b>
<b>ki:T</b> «чувалчанг»	<b>ki:Ra:</b>

б) жарангсиз «р» товуши баъзан «v» га баъзан эса «o» ёки «ao» га айланиши мумкин.

<b>svapan</b> «туш, уйқу»	<b>sona:</b>
<b>baran</b> «экиш,экмоқ»	<b>bona:</b>
<b>kapard</b> «чақа»	<b>kaoRi:</b>
<b>sapa:d</b> «тўртдан бир қисми- га кўпайтирилган»	<b>sava:</b>
<b>sapatni:</b> «хотини билан,ик- кинчи хотин»	<b>saot</b> кундош

Худди шундай унлиларга айланиш вазиятлари «m» товушининг ўрнига ҳам бўлиши мумкин.

<i>санскритча</i>	<i>хиндийча</i>
<b>gaman</b> «тўйдан кейин келин- нинг эри уйига келиши»	<b>gaona:</b>
<b>va:man</b> «пакана, миттивой»	<b>baona:</b>
<b>cha:mar</b> «бўйра»	<b>chora:</b>

в) Баъзан нафасли ундошнинг асосий қисми бўлса ундош туширилиб, фақат «h» товуши қолиши учрайди.

<i>санскритча</i>	<i>хиндийча</i>
<b>megh</b> «булут»	<b>meh</b>

**katHan** «сўз, сўзлаш»      **kehna:**

**baghir** «гаранг»      **behra:**

**a:bhi:r** «кастанинг номи»      **ahi:r**

г) Шивирловчи товушлар ҳам «h» га айланиши мумкин:

*санскритча*      *ҳиндийча*

**kesri:** «арслон»      **kehri:**

**eksaptati** «71»      **ikhattar**

**dva:dashak** «12»      **ba:rah**

д) «m» товушига келганда у кўпинча олдинги унлига бурундимоғлилик хусусиятини бахш этиб «v» ундошига айланади, масалан:

**shya:mal** «<sup>3</sup>орачадан келган»      **sa:Nvla:**

**kuma:r** «бўйдоқ»      **kuNvar**

**gra:m** «қишлоқ»      **ga:Nv**

**a:malai** «манго»      **a:Nvla:**

е) «n'» товуши кўпинча тишли «n» га айланади:

**ghrin'a:** «жеркиниш, нафратланиш»      **ghin**

**gan'an** «санаш»      **ginna:**

**shravan'** «тинглаш»      **sunna:**

ж) интервокал ундош туширилиши пракритлар учун табиий ходисадир :

**kokil** «кақу»      **koyal, koil**

**svarn'ka:r** «заргар»      **suta:r**

**nakul** «мангуста»      **nevla:**

Сўзлар охирида бўладиган ўзгаришларга келганда, умуман бундай позицияда ундошлар келиши жуда ҳам оздир. Жумладан, куйидаги вазиятларни кўрса бўлади:

а) **y** товушининг **j** га айланиши:

**yatra** «нур, зиё»      **jot**  
**karva** «иш»      **ka:j**

б) **l** ва **r** товушлар алмашинуви:

**stha:li:** «лаган»      **thariya:**  
**mahila:** «аёл»      **mahira:ra**  
**jhela:** «банан»      **kera:**

в) **v** товушининг **b** га айланиши:

**sav** «барча»      **sab**  
**vela** «вақт»      **biriya:**  
**vasha** «куч»      **bas**

г) Охирги мисолда яна бир ҳодиса «s» товушининг **sh** га айланиши кузатилади. Бу бошқа сўзларда ҳам мавжуд:

**shari:r** «бадан»      **sari:r**

д) церебрал «sh» товушининг «kh» га айланиши кузатилади:

**bha:sha:** «тил»      **bha:kha:**

**hash** «қувонч»      **harakh**

**mesh** «айб»      **mekh**

##### 5. Чатишган ундошларга боғлиқ тарихий ўзгаришлар.

Бимздан фарқли ўлароқ Дх. Варма бундай турдаги ундошларни мураккаб тарзда таснифламасдан 9 та гуруҳга бўлимга бўлиб чиққанда буларда фонетик ходисалар назарда тутилган.

(1) Портловчи ундошлар бирикмаларида биринчи товуш туширилиши мумкин ва шунинг эвазига олдинги унли чўзилиши кузатилади:

mudg «дуккакли экинлар» mu:g

dugdh «сут» du:dh

sapt «етти» sa:t

Бошқа ҳолатларда биринчи товуш иккинчисига тақлид қилиб талаффуз этилади:

saptati «етмиш» sattar

saptadasha «сн етти» satrah

(2) Портловчи билан бурун-димогли товушлар бирикмаларида иккинчи товушнинг туширилиши кузатилади.

Agni «ўт, олов» a:g

ti:kshn' «ўткир» ti:kha:

Шунда j билан n: бирикмасида турли тарздаги ўзгариши юз бериб, аксарияти гуа га айланиши бўлади:

a:gya: «буйрук» a:gya:

yagya «<sup>3</sup>урбонлик» jagya

қолганларида эса бўгиннинг бўлиниши содир бўлиб, j товуши баъзан туширилади.

Jagyoravi:t «брахманлар janeu:  
бўйнига тақа-  
диган белги»

ra:n:i: «малика» ra:ni:

Агар бурун-димогли ундош олдин келса унинг туширилиши натижасида олдинги унли чўзилиб бурун-димогли тусга эга бўлади:

jan,dha: «сон, болдир» ja:ngħ

kan'Tak «тикан» ka:nTa:

chandr «ой» cha:nd

kanpat «титраш» ka:Npna:

(3) Портловчи билан ярим ундош (y, r, l, v) бирикмада келганда тарихий ўзгаришлар жараёнида иккинчи ундош туширилади:

yogya «лойик» jog

chyu: «охак» chu:ta:

vyagħr «арслон» ba:gh

pran'a:li: «тизим» pana:li:

pakv «пишик» pakka:,paka:

tvarit «тез» turant

4) Портловчи «t», «d», «dh» лар билан тишли сиргалувчи «ya» билан бирикуви пировардида «ch», «j», «jh» ларга айланиши кузатилади:

satya «чин», «хақиқат» sach

tritya «ўйин, рақс» na:ch

adya «бугун» a:j

vandhya: «бефарзанд» ba:jħ

sandhya: «окшом» sa:njh

Шу мисолларда қисқа «а» санскритча сўзлар негизида келса, хиндийда кўпинча чўзилади.

5) Тишли «г» товуши «р», «т», «д» товушлардан олдин ёки ҳеч бўлмаса кетидан келганда эса унинг туширилиши билан бирга бошқа ўзгаришлар юз беради, масалан:

kartan «кесиш» ка:Тна:

vartik «каклик» баТет

kaṅṅad «чиганок» каоRи:

gantri: «арава» га:Rи:

5) Бошқа вазиятларда сиргалувчи товушлар бошқа товуш бирикмалари ҳам қуйидаги тарзда ўзгаради, жумладан, ksh ўрнига kh, shTh ёрнига фақат иккинчи товушнинг сақланиб қолиши ва ундан олдинги унли қисқа бўлса чўзилиши кўринади.

Akshi «кўз» а:kh

kshetr «дала» khet

ka:shTh «ўтин» ка:Th

prishTh «бет,саҳифа» pi:Th «орқа»

Яна шунга ўхшаган ходисалар учрайди - st, hv ва huа бирикмалари ҳам th, bh ва jh товушларига айланади.

Stan «кўкрак» than

hast «<sup>3</sup>ёл» ha:th

jihva: «тил» ji:bh

guhya «ёпик» gujhiya:

б) г товуши билан церебрал n' ёки m товуши бирикмаси ўрнига биринчи товуш туширилиб, иккинчиси оддий тарзда сақланиши ва олдинги унли чўзилиши мумкин.

Масалан:

urn' «жун» u:n

karn' «<sup>3</sup>улоқ» ka:n

karm «иш» ka:m

7) sh, sh' ёки s шивирловчи товушлари мавжуд бўлган санскритча сўзларда жуда хам салмоқли ўзгаришлар юз беради, масалан:

rashmi «нур, ип» ra:s

smsha:n «дафн ёндириш» masa:n

sna:n «гусл, тахорат» na:na

krshn' «Кришна» ka:nh

sneh «севги» sneh, neh

8) Санскритча сўзларда ярим ундош l, r билан келган u,v товушлар хиндийча сўзларда йўқоладилар. Жумладан:

mu:lya «қиймат» mol

chaorya «ўғирлик» chori:

su:rya «күёш» su:raj

sarva «барча,хамма» sab

9) Шивирловчи sh турли бирикмаларда келганда санскритчадан хиндийчага ривожланиб ўтиш жараёнида ўша бирикмалар ўрнига s ёки баъзан r билан бирга бир бўғинда учратилиши мумкин:

pa:rsh «ён» pa:s

shpa:la: «қайни,  
қайн оға» sa:la:

shvasur «қайнота» sasur

a:shraya «посбон, a:sra:

таянч»

### **САВОЛЛАР:**

- 1.Бурун-димоғли товушлар ривожланишида қандай қонуниятлар кузатилади?
- 2.Унли бурун-димоғли товушларнинг келиб чиқиши ҳақида нималарни биласиз?
- 3.Ундошларга оид жараёнларнинг энг муҳимларини изоҳлаб беринг.
- 4.Чатишган ундошлар ривожланишидаги турли вазиятлардан асосийларини изоҳланг.

Адабиётлар.

1. Захарьин Б.А. Введение в историю языка хинди, М., 1978
2. Шоматов О.Н. Жанубий осиё тилларига кириш, Т., 2003.
3. Dhirendr Varma, Hindi bhasha ka itihaas , Pahabad, 1962
4. Udaynarayan Tivari, Hindi bhasha ka udgam aor vikas, prayag, 1954.

### **Еттинчи маъруза**

#### **Маъруза режаси.**

- 1. хиндий тилидаги олд ва орт қўшимчалар тизими.**
- 2. Асл хиндийча татсама ва тадбхава қўшимчалар.**
- 3. Видеши қўшимчалари.**

#### Таянч иборалар.

Олд қўшимча	орт қўшимча	татсама
тадбхава	деши	форсча-арабча
инглизча	орт қўшимча	унли
ундош	негиз	сифатловчи
от ясовчи	ўзлашма	феъл негизи
таркиб	от	сифат
фоил от	муаннас от	музаккар от

Маълумки, қадимги санскритча сўз таркиби бутунлай ўзгариб кетиши билан кўшимчалар ҳам йўқотилган. ҳиндий ва бошқа Я.х.О.Т сўз таркиби тамомила бошқа тамоилларга таяниб келади. Шу билан бирги баъзи эски олд ва орт кўшимчалар ҳам онда-сонда сақланиб қолган. Бу хусусан ҳиндий тилида татсама сўзларининг кўпайиб бориши билан боғлиқдир. Уларни тадрижий равишда кузатиб чиқамиз.

#### Олд кўшимчалар.

а) Татсама келиб чиқишига эга бундай бирликлар К.Гуру грамматикасида батафсил берилгани учун бу ерда таҳлил қилинмайди.

#### б) Тадбхава ва деши олд кўшимчалар.

Булардан инкор маъносида ифодаланувчи -а кўшимчаси (мас. atha:h «тубсиз») санскрит тилида ҳам қўлланиб унлилар олдида келганда -ан шаклида ишлатилган. (anek «кўп»).

ҳиндийда эса бу шакл ундошлар билан бошланган негизга кўшилиши мумкин. (anmol «бебах», anginat «саноқсиз»).

Булардан ташқари adh «ярим» (санскритча ardh дан) олд кўшимча - adhka:ra: «пишмаган», un «бир кам» (санскритча u:n дан) unti:s «29» яъни «бир кам ўттиз», du «ёмон» (санскритча dur) - duka:l «ёмон замон», du «икки» (санскритча dvaо дан) dumunha: «икки юзламачи»; ni «-сиз, инкор маъносида» (санскритча nir) nikamma: «бекорчи, ишсиз юрган дайди», niDar «довюрак,кўрқувсиз», bin «сиз, бирон сифатга эга бўлмаган» (санскритча bina:) - binboу «экилмаган», bhar «тўла, - ли» (санскритча bhri дан) bhareT «қорни тўйган», bharsak «бахоли қудрат».

#### в) Ўзлашма олд кўшимчалар

Булар асосан форсча ва арабча келиб чиқишга эга бўлган шакллар, жумладан, форсча karm «кам, оз» - kamzor «кучсиз», khush «хуш» - khushbu: «хушбўй», dar «ичида» - darasal «аслида», na: «но» - na:la:yak «ярамас», ba «мувофик» - badaolat «туфайли», bad «ёмон» badma:sh «безори», be «бе-» «-сиз» bei:ma:n «иймонсиз», ham «бирга,ҳам» - hamumr «умрдош, тенгдош», har «ҳар» - harghaRi: «ҳар бир соатда», sar «бош» - sarda:r «сардор, бошлик», арабча g'eyr «но, ғайр» - g'eyra:zir «ҳозир бўлмаган, йўқ», bila: - «сиз» - bila:shak «шак-шубҳасиз», la: «сиз» la:va:ris «вориссиз».

#### г) Инглизча олд кўшимчалар

sab «муовин» англизча sub- , мас-н, sabinspekTar «инспектор муовини»; heD «бош» англизча head - heDma:sTar «бош, катта ўқитувчи».

#### Орт кўшимчалар

а) Татсама кўшимчалари.

К. Гуру асарида булар муфассал берилган бўлиб, унда таъкидланишича, булар асосан санскритча сўзлар таркибларида келадилар.

б) Тадбхава ва деши кўшимчалари.

Сифатловчи кўшимчалардан - akkaR, iāñāēāí, bhulakkaR «эсдан чиқарувчи, паришон хотир», piy akkaR «кўп ичадиган».

От ясовчи кўшимча - а: феъл негизларига кўшилади, масалан, ghoRa: «<sup>3</sup>ўршов» (peṅa: «<sup>3</sup>уршамок»дан), maṅa: «флик» (maṅa: «флмок»дан).

Худди шундай кўшимча отларга кўшилганда, сифатловчи хусусиятга эга бўлади: meṅa: «кир» (meṅa: «ифлослик»дан).

От (мавқум от ясовчи) кўшимча а:i: - бу феъл негизига кўшилади: масалан, laRa:i: «уруш» laRna: «урушмок»дан.

Фоил от ясовчи и ёки а:u: кўшимчаси. Бу ҳам феъл негизига кўшилади - kha:u: «оч офат» kha:na: «емок»дан.

Шу маънода яна а:k ёки а:na: кўшимчалари - laRa:ka: «урушоқок» - laRna: дан.

Муаннас от ясовчи а:ni: «аёл» кўшимчаси - gura:ni: «ўқитувчи аёл», паокагани: «хизматкор аёл».

Тарихан санскритча - «ка:г» - <sup>3</sup>илувчи кўшимчадан келиб чиққан -а:г, <sup>3</sup>қшимчаси, мас-н, санскритча kumbhka:ṅ, пракритча kumhaa:ṅo ва хиндийча kumha:ṅ «куллол».

Худди шу тарзда санскритча - а:lau «хона», «бино» сўзидан ривожланиб келган а:l кўшимчаси, м-н, sasur «қайнота» - sasura:l «кудалар уйи».

ҳозирги хиндийда -а:v кўшимчаси ҳаракат номини ясовчи орт кўшимча сифатида шаклланган бўлса, унинг келиб чиқиши мунозарали тарзда талқин қилинади. Мас-н, Р.Хёнле фикрига кўра унинг ривожланиши санскритча tva ва tvan лардан бошланиб, пракритларда ttan, ttan', aan, aan' ва апабхараншалардаги au, aan'u босқичларидан ўтиб келади. М-н, санскритча achchkatvāi пракритларда uchchatt ривожланиб келиб, апабхараншада uchchau га айланиб туриб пировардида хиндийда uncha:v «кўтарилиш» ясама сўз хосил бўлади.

Шунингдек ҳозирги хиндийда жуда кенг ишлатиладиган - а:haT кўшимчаси сифатларга кўшилганда мавҳум от маъносини ифодалайди. Бунинг келиб чиқиши Р.Хёнлега биноан қуйидагичадир:

vritti ёки vrit ёки бўлмаса va:rt каби отлар бунга дастлабки негиз бўлиб, пракритларда эса булар vaTTi:, vaTT ёки vatta: ларга айланади.

Чатержий бу фикрга рози бўлмайди ва Бимз эса буни санскритча *atu* ёки *a:tu* билан боғлаб келади. Шундан ясалган кўп сўзлар ҳиндийда учрайди, м-н:

<i>bachna</i> кутқармоқ	<i>bacha:v</i> кутқарув
<i>ragna</i> тушмоқ	<i>raga:v</i> «сафарда тўхташ»

Кўп олимларнинг фикрича ушбу қўшимчанинг бошқа кўринишлари *a:va*: *a:var* ёки *a:vat* дир, м-н:

<i>bhula:na</i> «унутмоқ»	<i>bhula:va</i> : «унутиш»
<i>saja:na</i> «безамоқ»	<i>saja:var</i> «безак»
<i>kehna</i> : «гапирмоқ, сўзламоқ»	<i>keha:vat</i> «мақол, ибора»

Яна бир қўшимча - *a:vna*: сифат ясовчи вазифада келиб ўша *a:v* қўшимчасидан ривожланганлигини ҳам таъкидлаб ўтишади.

<i>ura:na</i> : «қўрқитмоқ»	<i>ura:vna</i> : «қўрқинчли»
<i>suha:na</i> : «ёқмоқ»	<i>suha:vna</i> : «ёқадиган»

Мавхум отлар ясовчи *a:har* қўшимчаси Р.Хернлега мувофик санскритча *vriti vrit* ёки *va:rta* лардан келиб чиққан. Булар пракритларда *vatti, vatt* ёки *vatta*: бўлиб келади. Бимз таъбирига асосан буларга манба бўлиб санскритча *at*, ёки *a:tu* қўшимчаси хизмат қилган.М-н:

<i>karva</i> : «аччиқ»	<i>karva:har</i> «аччиқлик»
<i>chikna</i> : «ясси»	<i>suha:vna</i> : «яссилик»

Примечание [11]: чилик

Бир неча санскритча қўшимчалардан яъни *iu, i:u, ik* лардан ҳиндийда ҳам от, ҳам сифат, ҳам иш бажарувчи фоил от тусидаги сўзларни ясашда қўлланилади. Жумладан, ҳиндийда *iu*: қўшимчаси диққатга сазовар:

Алоҳида шуни таъкидлаб ўтса бўладики, сифат ясовчи баъзи қўшимчалар ҳам санскритча негизга бориб тақалади. М-н, Р.Хёрнле фикрича, кенг истеъмолда бўлган *-i:la*: қўшимчаси музаккар маъносини ифодалаб келади ва санскритча *granthi* сўзидан пракритча *-il* морфемасидан ясалади.

**Мисоллар:** *patthar* «тош», *patthri:la*: «тошли», *rang* «ранг», *rangi:la*: «бўёқли, рангли»

Пракритлардаги ушбу морфемалардан (аммо бошқа санскритча негиздан келиб чиққан ҳолда, яъни санскритча *-il* дан) уч хил ҳиндийча қўшимчалар *-l, -la:, -li*: ҳам сифат ясовчи, ҳам от вазифасида келгани кузатилади.

Масалан, санскритча gha:t «зарба» gha:yal «ярадор», ga:Th «тугун» сўзидан ga:Nthi:la: «чигал, тугунли», sakhi: «дугона, ўртоқ» дан sahelī: ўша маънони бериб келади, ёки масалан, Ti:ka: «хиндуча русмга биноан пешонага қўйиладиган хол» дан Tikali: «доира»

Сифат ясовчи вазифада яна бир қатор бошқа қўшимчалар шаклланиши ҳам диққатга сазовор, жумладан,- va:n «-ли» қўшимчаси санскритча matur сўзидан келиб чиққан, тартиб сонларни ясовчи -vaN қўшимчаси эса P. Хёрнле фикрича, санскритча қўшимча -mak дан содир бўлган - киёсланг, санскритча ran:chamaka «бешинчи» пракритларда ranchamaao ёки ranchvaNo дан ўтиб ҳиндий тилида pa:Nchva:N бўлиб қолади.

P.Хёрнле ўша вазифаларда ишлатиладиган -va:lu , - va:Tta: қўшимчалари ҳам санскритча pa:lak «қаровчи» сўзидан изчиллик билан келиб чиққан деб ҳисоблайди. M-н, скр. gora:lak «мол, сигир боқувчи» ---- ҳиндийча gva:la: ; скр. koshThra:lak «қалъа бошлиғи» --- koTva:l.

Яна бир қўшимча - veya: феъл негизига қўшилиб сифат ёки фоил от ясайди. M-н, kha:ta: «емоқ» дан khaveya: «еювчи, оч қолган»; ga:na: «қуйламоқ» дан gaveya: «ашулачи,хофиз». Бу қўшимча санскритча - tavua «-моқчи» қўшимчасидан шаклланиб пракритларда iavvan шаклида кузатилган.

От ясовчи қўшимчаларга келганда, булар ёрдамида турли сўз туркумлардан ясаладиган сўзларни кўздан кечирамиз. M-н, -ak, -k қўшилганда муаннас отлар ясалади:

pha:Rna: «йиртмоқ,очмоқ» дан pha:Tak «дарвоза», bayTak «шахсий хона, кабинет.»

Шунингдек, - ka: каби қўшимча қаратқич келишиги маъносини ифодалаб, бунинг ёрдамида -ma:N «она» сўзидан mauka: «ота-она уйи ( турмушга чиққан келинга нисбатан)», la:R «эркалаш»дан laRka: «бола,болакай».

Айни пайтда кичрайтириш маъносини ифода этиш учун -Ra:,-Ri: қўшимчалари қўлланилади,m-н, Tu:k «бўлим, бўлинма» --- TukRa: «бўлак, кичик ҳисса»; mukh «юз, қиёфа» --- mukhRa: «юзча, чиройли юз».

Санскритча ja:t «уруғ» сўзидан ҳиндий тилида **-ja:** <sup>3</sup>қўшимчаси шаклланиб, асосан, «жиян» маъносини беришда кузатилади, жумладан , bha:i: «ака ёки ука» (скр. bhra:tri) дан bhati:ja: «акасининг ўғли, жиян», bahin «опа ёки сингил» (скр. bhagini:) дан bha:nja: «опасининг ўғли, жиян».

Санскритда мавҳум отлар ясовчи -tva қўшимчасидан пракритларда -tta қўшимчаси ривожланиб келиб ҳиндийда - at, -t қўшимчаси сифатида шаклланди, масалан, bachna: «сақланмоқ, ортмоқ» ---- bachat «қолдик», kharpa: «сарф этилмоқ» ---- kharpat «ҳаражат», rang «ранг, бўёқ» --- rangat «кўриниш, безак»

Худди ўша манбага тааллуқли ҳолда -tv, -tvan каби санскритча қўшимчалардан пракритча -ppan, - ppan'am қўшимчалари ўсиб чиқиб ҳиндий тилида -pa:, -pan шаклларида намоён бўлади. Масалан: bu:Rha: «<sup>3</sup>ари» - bu:Rha:pa: «қаричилик», moTa: «семиз» - muTa:pa: «семизлик», laRka: «бола» - laRka:pan «болалик», ka:la: «қора» - ka:la:pan «қорамтир бўлиш».

### **3. Видеши (хорижий) қўшимчалар.**

Булар орасида мавҳум маъно англатувчи - i: <sup>3</sup>қшимчаси форсча манбага мансуб ҳисобланади.

Бу қўшимчага ясовчи негиз тариқасида сифатлар ва отлар қўлланилади, масалан: khush «хурсанд» - khushi: «хурсандчилик», dost «дўст» - dosti: «дўстлик». Ушбу манбага тегишли бошқа бир қатор қўшимчалардан - ka:г «қилувчи, -кор», -ba:n «- бон», қаровчи», - a:ta: «-ларча, -она», -kha:ta: «- хона», khog «-хўр,-еювчи», - giri:, gi:ri: «-лик», - ba:z «-боз» каби маъноларда ишлатилади. Буларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. ja:nka:г «биладиган, хабари бор» - ja:nna: «билмоқ» феълидан; tazreba:г «тажрибали» - tajraba: отидан; ba:ghba:n «боғбон» ba:gh «боғ» отидан, ghara:ta: «уй, уруғ, сулола» ghar «уй» отидан; cha:pa:kha:na: «босмахона» - cha:pa: «босма» отидан; hara:mkhog «харомхўр» - khara:m отидан; ba:bu:gi:ri: «тўраҳонлик» «ba;bu» «жаноб отидан», «dhokheba;z» «ёлғончи, алдамчи» «dhokh:» «ёлғон, алдаш» отидан.

Саволлар:

1. Санскритча қўшимчалар асосан қайси шаклларда ҳиндий тилида ишлатилади?
2. Тадбхава манбали ҳиндийча қўшимчаларга тавсиф беринг?
3. Деши манбали қайси қўшимчаларни биласиз?
4. Орт қўшимчаларнинг тақсимланиши нимадан иборат?
5. Турли сўз туркумларини ясашда қўшимчалар қандай аҳамиятга эга?

### Адабиётлар

1. К. Гуру, Грамматика хинди, с. 1-2, М., 1956.
2. Б.А. захарин, Введение в историю языка хинди, М., 1987.
3. О.Н. Шаматов, Жанубий Осиё тилларига кириш, 1 қисм, Т., 2003.
4. Dhirendr Varma hindi bhasha ka itihās prayag, 1962.

5. U.N. tivari hindi bhasha ka udegam aor viras. Prayag, 2018 (Викрамадитя тақвими).

**Саккизинчи маъруза.**

**Маъруза режиси:**

1. От сўз туркумидаги шакллар.
2. Род, сон ва келишик шакллари.
3. Орт кўмакчилар.
4. Сифат сўз туркуми.
5. Олмош шакллари.

### Таянч иборалар.

Бош келишик	воситали келишик	муаннас
Флектив	аналитик	музаккар
муханнас	синтактик мослашув	кўшимча
пракритча	татсама	тадбхава
форсча	этимология	сон
род	келишик	бирлик
иккилик	кўплик	чўзиқ унли
биризма	товуш	келиб чиқиш
ўрин-пайт	флектив шакл	кўмакчи
келишиги		
шева	шаврасений апабхаранша	авадҳий
кхари боли	сўроқ олмоши	гумон олмоши
ўзлик олмоши	кишилик олмоши	белгилаш олмоши
ўзак	қисқа товуш	биринчи шахс
иккинчи шахс	тушум келишиги	жўналиш келишиги
сифатловчи	учинчи шахс	негиз
ўзгарувчи шакл	эҳтиром билдирувчи	

### Our сўз туркумидаги шакллар

Бу ерда санскрит тили сингари келишик маънолари тил воситалари ёрдамида лўнда ифодаланади, фарқи шундан иборатки, ҳиндий тилида флектив шакллар ўрнига аналитик шакллар қўлланилиб, асосий грамматик восита сифатида орт кўмакчилар ишлатилади.

Ваҳоланки, санскрит тилида ҳаммаси бўлиб 24 та турли грамматик шакл ясалади ва уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш масаласи анча мураккаб туюлади. Устига устак бирлик, иккилик ва кўплик шакллари ҳам ўзаро фарқланади. М-н, ra:m «Рам» сўзидан жўналиш келишик уч хил шакл орқали билдиради: ra:ma:ya, ra:ma:bha:m, ва ra:mehya ва ҳакозо. Ушбу тизимнинг қолдиқлари браж шевасидаги тушум келишигида **ghare** - «уйни» ёки жўналиш келишигида **ra:me** - «Рамга» каби шаклларда сақланиб қолган. Шулар каби шакллар олмош тизимида ise, use, unheN, hameN каби шаклларда ҳам сақланиб қолган.

Адабий ҳиндий тилига келганда бу ерда орт кўмакчилар кўпинча фарқловчи рол ўйнайдилар. Жумладан, бирликда ўзгармайдиган «ghar» - «уй», «laRkI:» - «қиз» каби сўзлар мисолида, чунки буларга орт кўмакчи

қўшилгандаёқ келишикк маънолари билдирилади, масалан, ghar (ka:, ko, se, meN), laRki: (ka:, pa:ko,se ) каби вазиятларда.

Кўплик ясалишида талайгина флектив элементлар катта рол ўйнайди, жумладан, воситали келишик кўплик шакллари ифодаловчи - oN кўшимчасидан олдин охири чўзиқ **i:** ва **u:** ларга келган сўзларда ушбу унлилар қисқаради. LaRki: + laRkiyoN ko «қиз» + «қизларга»; peru: «курка» + peruoN ka: «куркаларники».

### **Род масаласи.**

Бу томондан барча от сўз туркуми кўламидаги сўзлар, жонли ва жонсиз зотларни ифодаловчи шакллар мавжуддир. Жонли зотлар уч хил род - музаккар, муханнас ва муаннас туркумларига бўлинса, жонсизлари кўпинча муханнасга тадбиқ этилади. Бундай бўлиниш нафақат санскрит, балки, инглиз, сингал, маратхий ва гужротий тилларида кузатилади.

ҳиндий тилига келганда бу ерда кўпроқ роддаги синтактик мослашув орқали род маънолари ифода этилади - музаккар ва муаннас. Жумладан, муаннас шакллар санскритча кўшимча - ika: нинг пракритча шакли - i:a: дан ўтиб - i: га айланган.

Бизга асосан, татсама сўзларининг родини аниқлашда қоида бўйича санскритга таянилади. Муханнаста келган татсама сўзлар ҳиндий тилида музаккар отлар тоифасига ўтади, бироқ бунда баъзи бир истиснолар ҳам учраб туради. М-н, **ga:ja:- «шоҳ», pita: -«ота», da:da:- «бобо», karta: -«фил», da:ta: - «раззоқ»** каби татсама сўзлари ҳиндийда родда ўзгармайди. Шулар жумласидан, форсча **dariya: «денгиз», daroga: «полиция бошлиғи».**

Худди шундай чекланишлар муаннас отларига хос бўлган ҳиндийда - i: кўшимчаси билан келган отлардан фарқли ўлароқ ha:thi: «фил», sva:mi: «эга, сохиб», bha:i: «ака ёки ука», dahi: «қатиқ», pa:ni: «сув», ji: «ҳаёт» каби отлар музаккарда келадилар. Қолаверса, санскритча, katha: «достон», ya:tra: «сафар», ёки этимологияси номаълум бўлган Daniya: «кутича», chiRiya: «чумчуқ, қуш» сўзларидан қоидага хилоф равишда муаннас бўлиб келадилар.

Муаннас отлардан жонли зотларни ифодаловчи шакллар нафақат оддий сўз, балки ясама сўзлардан ҳам иборат бўлади, чунки уларга махсус муаннас маъносини билдирувчи кўшимчалар қўшилади, жумладан: -in, -ini: ёки -a:ni: - dhonit «қир ювувчи аёл», ha:thini: «фил урғочиси», panDit «олим» + panDita:ni: «олима, олим аёли».

### **Сон масаласи.**

Қадимги ҳОТ ларда уч хил сон мавжуд бўлган. Бирлик, иккилик ва кўплик. Ўрта ҳОТ даврларида иккилик йўқ бўлиб кетган. ҳозирги ҳиндий тилида бирлик ва кўплик мавжуд. Бунда охири ундошга ва чўзиқ унли -ii га келган музаккар отлар кўпликда ўзгармайди, м-н, ghar «уй», bartan «идиш», a:dmi: «одам» ва ҳ.

Муннасадаги ундошга ва чўзиқ «аа» унлисига охири келган отларга кўпликда -eN қўшилади: ga:t «тун, кеча» - ga:teN «тунлар, кечалар», katha: «хикоя, афсона» - katha:eN «дивоятлар».

Музаккардаги охири чўзиқ «аа» га келган отларда ўша қўшимча ўрнига «-е» товуши келади, м-н, laRka: «бола» - laRke «болалар».

худди шундай вазият чўзиқ «ii» га охири келган муаннас отларда кузатилади, яъни ўша товуш ўрнига - iyaaN товуш бирикмаси келади.

М-н, laRki: «қиз» - laRkiya:N «қизлар» ва ҳ.

Аммо воситали келишик кўплигида барча отларга -oN қўшимчаси қўшилиб ўзига хос белги бўлиб келади: ghaRoN (meN) «уйларида», ga:toN (se) «кечалардан», laRkoN (ko) «болаларни», laRkiyoN rag «изларда» ва ҳ.

Энди ушбу қўшимчалар келиб чиқиши хусусида гапирганда, муаннас отлардаги -eN, -iyaaN ва -iiN (бу феълларга қўшиладиган кўплик аломати) санскрит тилидаги муханнас отларга хос кўплик қўшимчаси «- aani» дан бўлиши керак.

Воситали келишиклар қўшимчалари - oN ёки -yoN ларга келганда, булар санскритча ўрин-пайт келишиги кўплик қўшимчаси - a:na:N дан пайдо бўлган деб тахмин қилинади.

### **Келишиклар масаласи ва орт кўмакчиларнинг келиб чиқиши.**

Маълумки, қадимги ҳ.О.Т лардаги флектив шакллар ўрта ҳ.О.Т лар босқичида бўлиб қўшимча кўмакчи сўзлар келишик маъноларини ифодалаш учун қўлланилади. Янги ҳ.О.Тлари босқичига келиб ривожланиш пайтида ўша сўзлар борган сари орт кўмакчиларга айланиб шаклланиб боради ва натижада уларда лексик маъно қолмайди.

М-н, «не» орт кўмакчиси тарихи хусусида ханузгача бир аниқ фикрга келинмаган. Жумладан, Бимз бу хусусда ушбу шакл непалий ва гужаротийдаги жўналиш кўмакчиси - le лардан ривожланиб келган деб тахмин қилади. Умуман, у ушбу кўмакчилар la:gi, la:gi деган сўзлардан ўзгариб келган шакл деган фикрни билдиради.

Трупп ва бошқалар тахминига кўра бу ерда санскритча фоил (асбоб) келишиги - eпа: нинг аломати бор.

Ж. Блок ўз навбатида санскритча - тап дан ne орт кўмакчиси келиб чиққан бўлса керак, деб тахмин қилади.

Жўналиш ва тушум келишиклари орт кўмакчиси - ko эса Трумп фикрига кўра, санскритча kṛitam дан келиб чиқиб пракритларда kito / kitho ларга айланган.

Ваҳоланки, Бимз ва Хёрнлелар уни санскритча kaksham дан келиб чиққан дейишади. Буларга Чаттержий ҳам кўшилади. Бунинг ривожланиши куйидаги шаклларнинг тадрижий ўзгаришларидан иборатдир:

**kaksham/ kakkham/ ka:kham, ka:ham/kahum/kaom/ko**

Маъно жихатидан ҳам биринчи шакл «ёнида,олдида» маъносини беради.

**ke liye** «учун, туфайли» кўмакчиси ҳақида бу шаклнинг **liye** қисми санскритча **lagne** сўзидан пайдо бўлган бўлса керак деб қиёс билидирилади. Бунинг ривожини куйидагичадир : **lagne** пракритда **lagge**, **laggi** ва ҳиндийдаги шеваларда **lagi,lage**.

Чиқиш келишигининг **se** орт кўмакчиси санскритча **as** «бўлмоқ» феълига тўғри келиб, ундан пракритларда **santo** ва **sunto** келиб чиққан деб қиёс қилинади.

Қаратқич келишиги **ka** орт кўмакчиси шакллари **ka, ki, ke** хусусида шундай мулоҳазалар мавжудки, булар санскритча **kritaha:** дан пракритларда **karito, kario, kerko** ва қадимги ҳиндийда **kero, kera,ker, ka** . Охириги икки шакл ҳозирги баъзи шеваларда ҳам кузатилади. Булар муаллифлари Хёрн ва Бимзлардир.

Ўрин-пайт келишиги **meN** ва **par** орт кўмакчилари ёрдамида билдирилади. Булар ҳақидаги қиёслар кўпинча бир манбага тақалади,жумладан, **meN** шакли санскритча **madhye** дан ва пракритча **majjhe, majjhi,majjahi** лардан ўтиб ҳиндийча эски шакллар бўлмиш **ma:nhi, mahi** ларга тўғри келади.

**par** га келганда бу санскритча **upari** дан келиб чиққан бўлиши керак, Хёрнле эса пракритча **pari** «қоч!» дан келиб чиққан деб тахмин қилади.

Примечание [12]:

### Сифат сўз туркумининг ривожланиши

Бу ердаги йўналишларда илк ҳиндий шеваларида музаккар ва муаннас шаклларнинг пайдо бўлиши авадҳий шевасида кузатилади, жумладан, **para:rh bathuN** «бошқалар буюмлари», **andha:ri ra:ti** «қоронғу тунлар» , **guReN kharDi: hatholi:** «шакарга ботирилган кафт». Аммо пировардида

авадхий ва бошқа шарқий шеваларда улар сақланмайди. Ваҳоланки, ғарбий хиндий шеваларида бу анъанага амал қилиш давом этиб келмоқда.

Шунинг учун ушбу шевалардан шаурасений апабхаранша асосида ўсиб чиққан кхари боли шевасида қуйидаги хусусиятлар намоён бўлмоқда:

а) охири чўзиқ -аа га келган музаккар сифат шакллари бош келишиқда келади.

б) Асосий ўзгаришлар кўпинча воситали келишиқ бирлиқда ва бош келишиқ кўплиқда кузатилади. М-н, **achche laRke ke sa:th** «яхши бола билан», **achche laRke sach bolte heN** «яхши болалар тўғри гапирадилар»

в) Муаннас шаклида бирлиқ ва кўплиқ бош келишиғида келган охири чўзиқ -аа га тугугун сифатларда ушбу кўшимча ўрнига -ii кўйилади. М-н, **ka:la: sa:Np** «қора илон», **ka:li: zulf** «қора коқил, зулф».

г) Баъзи сифатларда охири -аaN кўшимчасига келган ўша элемент воситали келишиқда музаккарда -eeN ва муаннасда -iiN кўшимчаси билан алмашади: м-н, **ba:ya:N ha:th** «чап қўл» ----- **ba:yeN ha:th se** «чап қўли билан»; **ba:i:N taraf** «чап томон» ----- **ba:i:N taraf se** «чап томондан».

### Олмош сўз туркуми.

хинд олимлари бу сўз туркуми кўламида бта турни ажратиб келади, жумладан, кишилиқ, белгилаш, сўроқ, гумон, ўзлик ва эҳтиром билдирувчи турларни.

Худди шу тартибда ёндошганда, қуйидаги кузатишлар тарихий жиҳатдан жоиз деб кўринади:

а) Кишилиқ олмошлари иккита бирлиқ ва иккита кўплиқ шакллари дан иборатдир.

Биринчи шахс бирлиқдаги **mayN** шакли мутахассислар фикрича санскритча кишилиқ олмошининг асбоб келишиғидаги **maya:** шакли дан келиб чиққанлиғи таъкидлаб ўтилади. Бу шакл пракритларда **mai, mae** ва апабхараншаларда **maiN, mai:** ларга айланади. Бундан ташқари **mayN**нинг бурун-димоғ қисми «N» С.К. Чатержий фикрича асосан **en** санскритча кўшимча таъсирида пайдо бўлган бўлиши керак.

Воситали келишиқ ўзағи шакли бўлмиш **mujh** олимлар тахминича санскритча ва пракритча бошланғич шакл **mahay** дан келиб чиққан. Булардан сўнги пракритларда **majjh** ва **mah** шакллар. Қолаверса, эски хиндийда **mujh** ёки **majh** шакли ҳам қўлланиларди. Булардаги қисқа **-i:** товшининг пайдо бўлиши хиндийда иккинчи шахс воситали келишиқ ўзағи бўлиб келувчи **tujh** таъсирида юзага келган деб тахмин қилинади.

Биринчи шахс кўплиқдаги **ham** шакли санскритча **asme** дан пайдо бўлган деб фикр билдирилади. Бу шакл ўз навбатида пракритларда **amhe** ёки **mhe** га айланиб келадик, натижада **m** билан **h** ўрин алмашадилар. Яна бошқа маълумотларга кўра, санскритча шакллардан **asma:t** ва **asma:bhihi**

лар ҳам бундай ўзгаришларга асос бўла олган. Ваҳоланки, тушум ва жўналиш келишигидаги **hameN** шаклига пракритча ва апабхараншача **amhai** шакли асос бўлган деб тахмин қилинади.

Иккинчи шахс бирлик шакли бўлмиш **tu:** олмоши санскритча **tvaya:** ва муқобалан тадрижий равишда пракритча **tum,tuam** ҳамда апабхараншача **tuham** лардан шаклланиб келган. Бунинг воситали шакли **tujh** санскритча **tubhyam** ва пракритча **tuh** нинг **tujjh** шаклидан ўсиб чиққан.

Иккинчи шахс кўплик **tum** санскритча **tushme** дан асос топган ҳолда пракритча **tumheN** ва **tumh** босқичларидан ўтиб келади. Айни пайтда тушум ва жўналиш келишиги шакли **tumheN** пракрит ва апабхараншалардаги **tumhaim** дан келиб чиққан деб тахмин қилинади.

Ушбу турга яна сифатловчи вазифага эга бўлган **mera:** меники, **hama:ra:** «бизники», **tera:** «сеники» ва **tumha:ra:** «сизники» каби шакллар ҳам тадбиқ этилиб, буларнинг келиб чиқиши эса пракритча **mah kero, mah karo** дан ташкил топган ҳамда эски ҳиндийча **mha:ro, ma:ro, mera:** каби шаклларга асос бўла олган. Бунга қуйидаги тизмаларни қўшса бўлади:

**amh karko > amh arao > amha:rao > hama:ro > hama:ra:**  
**tumh karko > tumh arao > tumha:rao > tumha:ro > tumha:ra:**

#### б) Белгиловчи олмошлар

Маълумки, булар учинчи шахс кишилиқ олмошлари ўрнида қўлланилади. Уларнинг бирлик шакли **yah** ва кўплик шакли **ye** лардан иборатдир. Келиб чиқиш жиҳатдан ушбу иккала шакл санскритча **eshaha, ete, eta:ti** ларга бориб тақалади. Қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, С.К. Чаттержий фикрича, булар санскритча сўз **et** «бу» нинг кўринишлари бўлмиш **esh'a, esh'a:** ва **etad** лардан ўз асосини топади.

Бирлик шакли **yah** нинг воситали келишиқ негизи **is** санскритча **asya** ва пракритча **eass** босқичларидан ўтиб шаклланган. Хусусан, С.К. Чаттержий бу шакл **etasya** дан пайдо бўлган деб фикр юритади. Кўплик шакли **ye** нинг воситали келишиқдаги шакли **in** кўпчилик олимларнинг эътироф этишича, санскритча **eten** ва пракритча **edin'a:** ва **ein'a:** дан келиб чиққан.

Ушбу шаклларнинг узоқ масофада турувчи «ўша анови» маъносини ифодаловчи **voh** (бирликда) ва **ve** (кўпликда) каби шакллари С.К. Чаттержий таъбирича, санскритча **avasya** ва пракритча **aissa** лардан ўз асосини топган деб кўрсатилади.

#### в) Нисбий олмош

Асосан **jo** шакли бош келишиқда қўлланган ҳолда воситали келишиқ ўзаги сифатида эса **jis** ва **jin** бирлик ва кўплик шаклларига ўзгаради.

Тушум ва жўналиш келишикларида бирликда **jise** ёки **jis ko** ва кўпликда **jinheN** ёки **jin ko** лар ҳам юритилади.

Асосий шаклнинг манбаси санскритча олмош **yaha** га бориб тақалади. Ваҳоланки **jis** санскритча **yasya** ва пракритча **jiss** ҳамда **jass** лардан тадрижий равишда ўсиб чиққан. Айнан **jin** шакли эса санскритча қаратқич келишиги шакли **ya:na:N** дан ривожланиб келган.

г) Сўроқ олмошларидан **Kaon** шакли бош келишикда келиб, унга воситали келишик бирлик **kis** ва **kin** лар тўғри келади. Айнан тушум ва жўналиш келишикларида бирликда **Kise** ёки **Kis se** бу кўплик **KinheN** бу **Kin ko** га тўғри келади. Асосий шаклнинг келиб чиқиши санскритча **Kaha punaha** дан пракритча **Kavan, Kavan'a** ва **KoDan** ларга тўғри келади. **Kis** шакли эса санскритча **Kassya** ва пракритча **Kass** лардан ўсиб чиққан. **Kin** га келганда тахминан санскритча **Ka:na:N (Kesham)**лар босқични ўтаб пракритча **Ken'a:N**дан пайдо бўлганлиги маълум бўлади.

д) гумон олмошлари дан асосий шакл **Koi** дир. Унинг воситали келишик шакллари бирликда **Kisi:** ва кўпликда **Kinhi:N** бўлади. Асосий шакл келиб чиқиши санскритча **Koipi** ва пракритча **Kovi** дан қиёс қилинади. **Kisi** шакли эса санскритча **Kasyapi** га бориб тақаладики, кўплик шакли Хақида тегишли маълумотлар йўқ.

Булардан ташқари **KuchH** «бироз ,бирорта, бир нечта» маъноли олмош ҳам мавжудки, бу санскритча **Kashchid** шаклидан келиб чиқиб, пракритларда **KachchHu** шаклида кузатилган.

е) ўзлик олмошларидан асосий шакл бўлиб **A:p** «ўзи, сиз» қулланилади. Бунинг манбаси санскритча **A:tman** «жон, рух» деб топилиб, пракритча аждоди **Appa:, a:pa:** ҳисобланади. Ушбу шаклдан ясалма сифатида **appa:** «ўзиники» ўзгарувчи шакл келиб чиққан. Буни олимлар пракритча **appa:n'o** ва апабхараншадаги **appan'u** дан ривожланган шакл деб тан олишади. Ваҳоланки, **a:pas** шакли санскритча **a:tmasya** ва пракритча **a:pass** дан ўсиб чиққан деб тахмин қилинади.

ж) эхтиром билдирувчи олмош турлари эса ўз навбатида **tum** (**a**)бандида) ва **a:p** (**e**)бандида) кўрсатилди.

Кўшимча тариқасида олмошлардан ясалган сифат маъносини ифодаловчи баъзи шакллар ҳам ҳинд олимлари томонидан қайд этилади. Булар орасида миқдор маъносини билдирувчи **itna:, utna:, jitna:, kitna:** «мунча», «унча», «қанчаки», «қанча,нега?» шакллари алоҳида ўринга эга. Буларнинг келиб чиқиши санскритча **iyat** ва **kiyat**лардан ўтиб пракритча пракритча **ettiy** ва **karttiy** дан белгиланади.

Сўнгра сифат билдирувчи шакллар ҳам мавжудки, булар **eysa:**, **vaysa:**, **jaysa:**, **kaysa:** «бундай», «ундай», «қандайки», «қандай?» лардир. Булар санскритча **yaTrish**, **taTrish**, **ki:Trish** шаклларида ўсиб чиқиб, пракритча **kerisa:** босқичидан ўтиб келади.

#### Саволлар.

1. От сўз туркумига оид сўзлар тарихан қайси гуруҳлардан ташкил топади?
2. Род шакллари масаласи нималарга боғлиқ?
3. Сон масаласи қандай омилларга боғлиқ?
4. Келишиклар масаласи ва орт кўмакчилар келиб чиқишига изоҳ беринг.
5. Сифат сўз туркумининг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?
6. Олмош сўз туркуми кўламида қандай лексик-семантик гуруҳлар ажратилади?
7. Уларнинг ҳар бирига тарихий изоҳ беринг.

#### Адабиётлар:

1. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. Т., 2003
2. Dhirendr Varma, Hindi bhasha ka itihās, Allahabad 1962
3. Udaynarayan Tivari, Hindi bhasha ka udgam aor vikās, Prayag, 1954
4. К.Гуру, Грамматика хинди, I, 1960.

#### **Тўққизинчи маъруза.**

#### **Маъруза режаси.**

1. Феъл шакллари.
2. Ўзаклар таснифи.
3. Кўмакчи феъллар.
4. Сифатдош шакллари.
5. Равишдош шакллари.
6. Кўмакчи сўз туркумлари.

#### **Таянч ибдралар.**

Замон	флексив	майл	нисбат
жинс	сон	ўзак	синф
парадигма	тусланиш	иккилик	содалашув
сифатдош	аналитик	кўмакчи	феъл
биризма	ясама	туркум	туркумча
каузатив	тадбҳава	татсама	ардхататсама
дешйа			

### Феъл шакллари.

Санскрит тилидаги феъл шаклларига келганда, замон яшаш тизими умуман деярли флексив усулга асосланган эди. Жумладан, ҳаммаси бўлиб 540 шаклдан иборат бўлган ҳолда, бу ерда 10 замон, 6та майл ва нисбат, уч хил жинс ва уч хил сон маънолари ифодаланади. Бунинг устига санскритда 2000 феъл ўзаги 10 синфга бўлиниб, алоҳида тусланиш парадигмаларга ажралади.

Палийга келганда ўн хил тусланишдан 5 таси умумлаштирилиб, деярли фарқланмай қолди. Қолган бештаси ҳам биринчи тусланиш таъсирида ривожланади, чунки кўпчилик ўзақлар ўша тизимга кирган эди. Қолаверса, шу босқичда ҳам иккилик (сони) йўқолди, ҳам майл ванисбатлар сони биттага камайди. Шундай қилиб, палий тилида феъл шакллар сони 240 тага тушди.

Праkritларда содалашув тендециялари ўсиб бориб, жумладан, маҳараштрийда тусланиш бир хил бўлиб қолади, майл ва нисбатлардан фақат учтаси қолади. Замонлар сони ҳам қисқариб, 4 та бўлиб қолди ва натижада сифатдош шакллари кўп ишлатиладиган бўлди.

Янги ҳОТ да феъллар тизимида аналитик шакллар аксариятни эгаллай бошлади. Масалан, ҳиндий тилида, қоидага хилоф ўзгарадиган беш хил феъллардан ташқари бошқалари бир хил тизимга тушиб қолди. Гарчи замонлар сони 15 га яқин бўлсада, барчаси асосан сифатдош ёки сифатдош билан кўмакчи феъллар бирикмаларидан ташкил топади.

### Ўзақлар таснифи

Гарчи санскритда 2000 ўзақ кузатилган бўлсада, улардан фақат 800 таси қадимги адабиётда сақланади, ваҳоланки, шу миқдордаги 500 ўзақ «Веда»лар ва «Брахмана»ларда учраса, санскритнинг ўзида бор-йўғи 100 дан сал кўпроқ шакллар учрайди.

Пракритларда ўзаклар умумий сони аниқ эмас. Энди ҳиндий тилига келсак, Р.Хёрнле маълумотларига кўра ўзаклар сони тахминан 500 тадирки булар икки хил туркумга бўлинади - асосий ва ясама.

Асосий туркумга санскрит тилидан мерос қилиб олинган ўзаклар киради, сони 393 (Р.Хёрнлега кўра). Булар орасида ҳам ўша олим 7та хил туркумчани ажратиб чиқади. Ундан фарқли ўлароқ Чаттержий тўрт хил туркумчаларни белгилайди, жумладан:

- (1) Ўрта ҳОТ дан сақланиб қолган тадбҳава ўзаклари;
- (2) Қадимги ҳОТ нинг каузатив феълларидан ўсиб чиққан тадбҳава ўзаклар.
- (3) Татсама ёки ардхататсама ўзаклари
- (4) Дешйя ва номаълум манбаларга тегишли ўзаклар

Ясама ўзаклар бўлса, булар уч хил гуруҳга бўлинади: (1) Санскритча отлардан келиб чиққан, масалан, скр. **janma** «туғилиш» дан --- ҳиндийда **jan-**

- (2) Қўшма ўзаклар, м-н, скр. **chyut** + **kri**= хинд. **chuk-** «тўлмоқ,тугамоқ»
- (3) тақлид сўзларидан ясалган ёки қайтарма ўзаклардан - м-н, ҳиндийча **phu:kna:** «пуфламоқ», **phaRphaRa:na:** «ҳаяжонланмоқ», «титрамоқ», «ларзага келмоқ». Р Хёрнлега кўра, ясама ўзаклар сони 189 тадир. Охирги асрлар мобайнида хорижий тиллардан ўзлашган сўзлардан ҳам ўзаклар ясалмоқда. М-н, **farma:na:** «буюрмоқ», (форсча **farmudan** дан); **filma:na:** «кинога олмоқ» ингл. **film** «кино» дан ва ҳ.

### Кўмакчи феъллар

Булар сифатида **hona** «бўлмоқ», «эмоқ» феълнинг турли шакллари қўлланади, жумладан, **hu:N** 1 шахс бирликдаги шакл ҳозирги замон кўмакчи феълнинг келиб чиқиши скр. **asmi**, пракритча **amhi** лардан, 2 ва 3 шахс бирликдаги шу каби шакл **he** скр. **asti** пракритча **atthi** лардан ривожланган, ўтган замон бирлик музакқар шакли **tha:** санскритча **stha:** дан олинган, бу шакл **sthit** кўринишида бўлиб, пракритда **tha:i**, **Dha:i** га айланиб, пировардида ҳиндийда **tha:** бўлиб қолади.

Ушбу феълнинг бошқа шакллари санскритча **bhu:** «бўлмоқ» ўзагидан келиб чиқиб, турли феъл шаклларида пракритча **honto** ва **bha:vio** ларга айланиб, ҳиндийда ҳозирги ва ўтган замон сифатдошлари **hota:** ва **hua:** га алмашади.

### Сифатдош шакллари.

ҳозирги замон сифатдоши санскритча шакллардан ўсиб чиққанлиги аниқланади. Масалан, **pachta:** «сингадиган,ҳазм бўладиган» шакли санскритча **pachat** дан пракритча **pachto** дан ривожлангандир.

Ўтган замон шакли эса санскритча **t:** га охири келган шаклга бориб тақалади. Масалан, **chala:** «юрган» санскритча **chalit:** дан пракритча **chhalio** га айланиб ўзгариб келади.

Ушбу туркумда равишдош шакллари ҳам олимлар томонидан таърифланади. Масалан, **kar, ke, karke** <sup>3</sup>қшимчалари ёрдамида ясалувчи шакллар санскритча **-tva:** ва **-ya** қўшимчали шакллардан ўсиб чиққан. М-н, скр.**shrutva:** «эшитиб» ----- пракритларда **sun'ia** – браж шевасида **sunī** ва адабий ҳиндийда **sun** дир.

Фельнинг инфинитив, яъни ноаниқ шакли, ҳаракат номи асосан, **- na:** қўшимчаси ёрдамида ясалади. Бунда бу қўшимча, олимлар таҳминича, санскритча **-n'i:yam** қўшимчасидан ўсиб чиққан. Жумладан,**karna:** «қилмоқ» феъли скр. **karn'i:yam** дан ўтиб пракритда **karan'a, karn'i:yam** шаклларида ўзгарган.

Бундан ташқари фоил маъносида келадиган ва **-va:la:** морфемаси билан тугайдиган шакллар санскритча **-pa:lak** қўшимчасига охири келган шаклга бориб тақалади.

Санскритча замонлар қолдиқлари асосан шеваларда ўз аксини топган (браж, каннавжий ва бошқаларда).

Дх.Варма фикрича, ҳозирги адабий ҳиндий замонларини оддий ва мураккаб туркумларга бўлса бўлади. Биринчи туркумга 6 та замон (ўтган аниқ замон, келаси замон, истак майли, шарт майли ва буйруқ майли - инфинитив шакли).

Мураккаб шакллардан эса 10 (оддий ҳозирги, оддий ўтган нотугал, мураккаб келаси (**chalta hoga**), мураккаб истак майл шакли, ўтган тугал замон (**chala hai**), ўтган тугаб бўлган (**chala tha**), мураккаб келаси (**chala hoga**), мураккаб истак (**chala ho**), мураккаб шарт майли (**chala hota**)).

Келаси замон оддий шаклини ясовчи «**g**» қўшимчаси санскритча **gam** негизидан ясалган **gat** ўтган замон сифатдоши пракритларда **gado, gayo, gao** га айланган шаклидан ўсиб чиққан.

### Нисбат шакллари

ҳиндий тилида мажхул нисбати **jana** феъли ёрдамида ясалаётган бўлса, санскрит тилида бу усул флектив (синтетик) йўл билан ифодаланиб - **y** қўшимчаси қўшилиши билан ясаларди, ваҳоланки бу қўшимча ҳозирги баъзи шаклларда пракритча - **y, - iy iyu** ва **iya** лардан- **ujj** га айланиб келиб

пировардида - **ijj**, - **ij** ларга келиб шаклланган. М-н, адабий ҳиндийча **kijje** шаклида унинг таъсири сезилади.

Каузатив (орттирма) феъллар шакллари.

Булар санскритча - **aaу** кўшимчаси ёрдамида ясалган бўлиб, палийда уларга **-p-** кўшимчаси ҳам аралашган. Пракритларда икки хил усул қўлланарди, биринчиси, **aap**, - **e** кўшимчалари ёрдамида м-н, скр. **karpati-** пракр. **Karei**; иккинчиси эса «р» нинг «v» га айланиши билан **яқунланади, м-н, karaavei, kaaraavei.**

#### Равиш шакллари

ҳинд олимларининг анъанавий қарашларига кўра **avyau**, яъни ўзгармайдиган сўз туркумларига – равиш, боғловчи, юктамалар ва ундов сўзлар киради. Булар орасида тарихий жиҳатдан ўзига хос аҳамият касб этувчи сўзлар --- равишлардир.

Булар келиб чиқиши кўпинча санскритча от ва олмошлардан бошланган. Семантик жиҳатдан булар пайт, ўрин, йўналиш ва ҳолат каби маъноларни билдиради. Маълумки, булар қаторига ҳозир арабча вафорсча сўзлар ҳам кириб қолиб, ўзлашмалар сифатида кенг қўлланилади.

Пайт маъносини ифодаловчи равишлардан **ab** «ҳозир, энди», **jab** «қачонки», **tab** «унда, шунда», **kab** «қачон?» каби шакллардир. Бимз таъбирича, буларнинг манбаси санскритча **vela:** бўлган. Ваҳоланки, С.К. Чаттержий фикрига кўра, **ab** нинг илдизлари Ведалар тилидаги **ev, eva:** дан топилиб булар санскритча **evam** ва пракритча **evvam** ҳамда **ebbam** га айланган. Шу тариқа қолган мазкур шакллар ҳам шунга боғлиқ. Шу тариқа қолган мазкур шакллар ҳам шунга боғлиқ ҳисобланади.

Ўрин маъноларини ифодаловчи **yahaN** «бу ерда», **vahaN** «у ерда», **jahaN** «қаердаки», **kahaN** «қаерда?». Бимзнинг фикрига биноан ушбу шаклларнинг барчаси санскритча **stha:te** «жойда» дан ўсиб чиққанлиги кўрсатилади. Чаттержий бўлса, аксинча, ушбу шакллар санскритча - **tra - tttha** кўшимчалардан келиб чиққан деб фикр билдиради, яъни санскритча **atr,yatr,tatr,kutr** лардан бошланган дебтаҳмин қилинади.

Йўналиш ифодаловчи равишлар бу **idhar**, «бу ерга» **udhar**, «у ерга» **jidhar**, «қаергаки» **kidhar?** «қаерга?» этимологик жиҳатдан анча ноаниқ кўринади. Бимз, масалан, **dhar** қисмини қиёсий ёндашув қилиб санскритча **mukhar** «томонга» дан келиб чиқиб, пракритча **mhar** дан ривожланган деб тушунтиради.

ҳолат маъноларини ифодаловчи шакллардан **yoN** «бундай», **joN** «қандайки», **tyoN** «ундай» **kyoN** «нега, қандай қилиб?» Бимз фикрига мувофиқ, санскритча кўшимча **mat** дан бошланган ҳолда пракритларда

**manto** шаклини касб этган. Ваҳоланки, ушбу қўшимчадан ясалган шакллар бошқа олимлар фикрича, **iyat** ва **kiyat** каби миқдор маъносини ифодалаб келади.

Ўз томонидан Келлог ушбу шаклларни санскритча **itthaN, kathaN** лар билан боғлайди, аммо буларга ҳиндий тилида **-ya-** товуши қандай қилиб қўшилганига ҳеч қандай изоҳ бермайди. Чаттержий фикрига қараганда, булар Ведалардаги **eva** дан ривожланиб, пракритларда **yev, tev, kev** каби шаклларга айланади. Аммо хулоса қилиб айтганда буларнинг келиб чиқиши жуда гумонли.

Қолган шакллар асосан отлар, феъллардан ясалган бўлиб, булар орасида пайт, ўрин ва ҳолат билдирувчи кўринишларга тўхталганда, куйидагиларни кўрамиз.

Пайт билдирувчи шакллардан **a:j** «**ҳозир**» санскритча **adya** «**бугун**» отидан келиб чиқиб, пракритча **ajj** босқичидан ўтган. Бошқа шакл **kal** «**эртага**», «**кеча**» аслида санскритча **kalya** «тонг» сўзидан шаклланган.

Шунингдек, **parson** «**ўткан кун, индинга**» маъноларида келиб, унинг манбаси санскритча **par:svasa** «**индин**» сўзидан бўлганлиги аниқланади. Қолган шакллар этимологияси рўйхатсимон берилади:

**turant** «шу заҳотиёк» - санскритча **tvaritam**

**jhaT** «зудлик билан» - санскритча **jhaTti**

**acha:nak** «тўсатдан» - санскритча ? **a + chint** «ўйламасдан»  
санскритча ? **chamatka:r** «мўъжиза»

**bhi:tar** (ичқари(га)) - санскритча **abyantar**

**ba:har** (ташқари(га)) - санскритча **bahih:**

**Thi:k** (тўғри) - санскритча **stha:** «турмоқ»

**sachmuch** (ҳақиқатан) - санскритча **satya** «ҳақиқат»

**nahi:** «эмас» санскритча **na+ aahi** дан.

Булардан ташқари қўйидаги баъзи боғловчиларнинг келиб чиқиши кузатилади

**aog** «ва, билан» санскритча **apar** «бошқа» дан

**bhi:** «хам, яна» санскритча **api hi** дан

(пракритча шакли **vi hi**)

**par** «лекин» - санскритча **param**

**jo** «қайсики» - санскритча **yadi** «агар», **ya** «қайсики»

**to** «-да» - санскритча **tat:** дан.





